



Давлат фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустақамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 43-моддаси.

ERURSEN SHOH, AGAR OGOHSEN SEN, AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSEN SEN

# Хабар

43

(788)-son

26-oktabr

www.xabar.uz  
xabar@uzpak.uz  
orif@infonet.uz

2007

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ НАШРИ 1992-йил мартдан чиқа бoshлаган

## • Алоқа оламида: ЭНГ СЎНГГИ ЯНГИЛИК! •

Калифорния университети олимлари радиотўлқинларни товушга айлантириб берувчи нанодетектор (радиоприйёмник) ихтиро қилишди. Унинг ўлчами инсон соч толасидан минг мартача ингичка. У углерод нанотрубкаларидан тайёрланган.

Тадқиқотчиларнинг айтишларича, мазкур нанодетектор асосида тиббиёт, тижорат ва ҳарбий мақсадларда қўлланилувчи митти симсиз қурилмалар ишлаб чиқарса бўлади. Шунингдек, у метеорология ва геофизика қурилмалари, биологик тадқиқотларда кенг қўлланилиши мумкин.

23 ДЕКАБР

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти сайлови куни



## ДЕМОКРАТИК ТАМОЙИЛЛАР АСОСИДА

Сайлов одилона, демократик тамойиллар асосида ўтиши кўп жиҳатдан сайловни ўтказувчи округ сайлов комиссиялари раислари ва котибларининг билими ҳамда малакаларига боғлиқ. Шу боисдан яқинда Тошкент шаҳрида округ сайлов комиссиялари раислари ва котиблари учун семинар-кенгаш ташкил этилди. Унда Марказий сайлов комиссияси аъзолари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Тадбирда Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриши ва уни ўтказишга оид қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш ҳақида маъруза қилди.

Маълумки, сайловларни ўтказишни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, округ ва участка сайлов комиссиялари таъминлайди. Шунингдек, таъкидлаш жоизки, округ сайлов комиссиялари таркиби миллий сайлов қонунчилиги талабларидан келиб чиққан ҳолда, халқ депутатлари маҳаллий кенгашларининг тавсиясига биноан жамоатчиликнинг обрўли вакиллари, партиясизлар ҳисобидан шакллантирилди. Бу уларнинг иш фаолиятида холисликни таъминлашга хизмат қилади.

Қонунга ва Марказий сайлов комиссиясининг тақвим режасига биноан, округ сайлов комиссиялари сайлов участкаларини ташкил этди. Энди 13 ноябргача улар халқ депутатлари туман, шаҳар кенгашларининг бевоқиф иштирокида участка сайлов комиссияларини шакллантиришлари лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссияларининг ишини ташкил этиш ҳақида семинар-кенгаш иштирокчиларига атрофлича маълумот берилди. Шунингдек, семинар-кенгаш иштирокчилари Марказий сайлов комиссиясининг матбуот марказида ҳамда 2-Тошкент шаҳар округ сайлов комиссияси ҳудудидаги сайлов участкаларидан бирида бўлишиб, журналистлар ва сайловчилар учун яратилган шарт-шароитлар, қулайликлар билан танишдилар.

2007-ЙИЛ – ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ЙИЛИ



## Эзгу амаллар этади давом


Кекса ва ногиронлар, ёрдамга муҳтож инсонлар мушуқлини осон, ҳожатини раво этмоқ бугун қорхона ва ташкилотларда меҳнат қилаётган мутахассисдан тортиб раҳбаргача — барча-барчанинг бурчи ва вазифаси бўлиб, бу ишлар “Ижтимоий ҳимоя йили Давлат дастури”да янада тўлиқроқ ўз аксини топди. Ушбу дастур доирасида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш қўламини янада кенгайтириш ва кучайтириш, муҳтож оилаларга, ногиронлар ва ёлғиз кексаларга аниқ, табақалаштирилган тарзда ёрдам кўрсатиш самарадорлигини ошириш, жамиятда ҳамжихатлик, эзгулик ва меҳр-шафқат муҳитини мустақамлаш бўйича қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқдаки, буни “Ўзбектелеком” АК томонидан олиб борилаётган савобли ишларда ҳам яққол кўриш мумкин.

3-БЕТ



UzNet  
Internet Service Provider

— сифат рамзидир



— юқори тезликдаги ўй Интернетети

## JUMADAN — JUMAGACHA

✓ **Матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида"ги Фармони эълон қилинди.**

✓ Мамлакатимизга таширф буюрган Франция Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Европа бўйича департаменти директори Жак Фор раҳбарлигидаги делегация аъзолари 22 октябр куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) Сайёра Рашидова ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори Акмал Саидов билан учрашди.

Музокарада мамлакатларимиз ўртасида қонунчилик, суд-ҳуқуқ тизими соҳасидаги ҳамкорликка оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

✓ 25 октябр — Олий Мажлис палаталари томонидан қабул қилинган қонунга биноан Ўзбекистон Республикасида ички ишлар идоралари ходимлари куни сифатида белгиланган.

Пойтахтимиздаги муқталик юртимиз тарихида илк бор нишонланаётган ушбу байрам муносабати билан тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Унда ички ишлар тизимидаги хизмат қилаётган фаол ходимлар, жанговор ва хизмат аъналарини асраб-авайлаб келаётган, ҳуқуқ-тартибот ҳимоячиларининг янги авлодини тарбиялашга катта ҳисса қўшаётган фахрийлар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари ходимларига табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

✓ Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида Вазирлар Маҳжамаси ҳузуриндаги Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Тошкент шаҳри ва Самарқанд вилоятида оилавий зиддиятларнинг олдини олиш, никоҳи бекор бўлган ва боқувчисини йўқотган оилаларда тарбияланаётган болаларнинг таълим-тарбияси, уларни ижтимоий ҳимоялаш борасида амалга оширилган ишларга оид масалалар муҳомама қилинди.

✓ Пойтахтимизда Иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Япония ва Япония — Ўзбекистон кўмиталарининг тўққизинчи кўшма мажлиси бўлиб ўтди. Унда икки мамлакатнинг энергетика, банк-молия, транспорт, сайёҳлик, қишлоқ ҳўжалиги, машинасозлик, тўқимачилик каби соҳаларида фаолият кўрсатаётган қатор вазирлик ва идоралари, фирма ва компаниялари вакиллари иштирок этишди.

✓ Тошкентда "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ҳамда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббуси билан ташкил этилган "Янги авлод-2007" Республика болалар бадиий ижодиёти фестивалининг Тошкент шаҳар босқичи яқунланди.

Саралаш босқичида муваффақиятли қатнашган ёшлар фестивалининг якуни — республика босқичида иштирок этиш имконига эга бўлдилар.

## ● НАЙ'АТ ЙИГ'ИЛИШИДА

**КУНИ КЕЧА ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ ҲАЙЪАТИНИНГ КЕНГАЙТИРИЛГАН ЙИГИЛИШИ ЎТКАЗИЛДИ. ВИДЕОСЕЛЕКТОР ОРҚАЛИ ВИЛОЯТЛАРГА, РАДИОСЕЛЕКТОР ОРҚАЛИ ТУМАНЛАРГА УЗАТИЛГАН УШБУ ЙИГИЛИШНИ АГЕНТЛИК БОШ ДИРЕКТОРИ А.АРИПОВ БОШҚАРДИ.**



## Тўққиз ой яқунлари



Кун тартибидagi "2007 йилнинг 9 ойида алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси корхоналарининг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида"ги масала юзасидан Агентлик Бош директорининг биринчи ўринбосари А.Избосаров маъруза қилди. Маърузачининг таъкидлашича, жорий йилнинг тўққиз ойида алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги корхона, ташкилотлар томонидан иқтисодий ислохотларни ривожлантириш, кўрсатилаётган хизматлар ҳамини ошириш борасида илҳомий натижаларга эришилган. Жумладан, ўтган йил билан солиштириганда, кўрсатилган алоқа хизматларининг ҳажми: шаҳар-

олишларига қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида ҳозирги кунда университет ҳудудида 1200 ўринли уч қаватли ўқув биносини қуриш ишлари яқунланди ва ишга туширилди.

Хитой тараққиёт банки кредити ҳисобига лизинг асосида амалга оширилаётган "Ўзбектелеком"АК телекоммуникация тармоғини қайта қуриш ва ривожлантириш лойиҳаси доирасида "Хуавей" компанияси томонидан барча лотлар бўйича қурилмалар келтирилди. Бугунги кунда 1, 3, 5-лотлардаги объектлар бўйича монтаж, ишга тушириш ҳамда Ишчи гуруҳи томонидан фойдаланишга қабул қилиш ишлари олиб борилмоқда. Шу билан бирга, "Қарши-Термиз магистрал алоқа линиясини қуриш лойиҳаси" доирасида 357 км.лик оптик-тонали кабел ўтказилди. Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида зонаичи ва магистрал оптик-тонали алоқа линияларини қуриш бўйича тугалланган участкалар тажрибавий эксплуатацияга топширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси аҳолиси-

**Хисобот даврида уяли алоқа абонентларининг сони 4577,0 минг (йил бошида — 2720 минг)дан иборат бўлди.**

ни сифатли телевидение ва радиозастириш дастурлари билан таъминлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 12 сентябрдаги қарорини бажариш мақсадида республикамиз ҳудудидаги уч юздан ортик

нинг филиаллари очилиши кўзда тутилмоқда. Электрон рақамли имзо ҳамда Электрон ҳужжат алмашуви тизимини кўллаш бўйича ўқув курслари ташкил этилди.

Хисобот даврида "Коинот" ОАЖ томонидан 278,98 млн. сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб тўлиқ сотилди. Алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси раҳбар-ҳодимлари ва муҳандис-техник ходимларининг малакасини ошириш борасида республикадаги турли малака ошириш марказларида жами 6317 нафар соҳа мутахассислари малака оширишди.

Агентлик ва унинг тизимидаги корхоналар томонидан "Ижтимоий ҳимоя йили Давлат дастури" тадбирларини бажариш бўйича ҳамда Дастурдан ташқари кўрсатилган ҳомийлик ёрдами харажатлари жами 2,9 млрд. сўмни ташкил этди.

Республика миқёсида ижтимоий аҳамиятга эга бўлган муассасалар, почта алоқаси бўлимлари ҳамда минибанкларни телефон ва модем алоқаси билан таъминлаш бўйича қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, республика бўйича 1985 минибанкдан 1855таси (93,5 фоиз), 9771 умумтаълим мактабларидан 5489таси (56,2 фоиз), 1019 коллеждан 929таси (91 фоиз), 109 лицейдан 106таси (97 фоиз), 930 касалхонадан 893таси (96 фоиз), 1093 шифохонадан 1067таси (97,6 фоиз), 3066 қишлоқ врачлик пунктидан 1581таси (51,6 фоиз), 6372 болалар боччасидан 3255таси (51,1 фоиз) телефонлаштирилган.

Ўтган давр мобайнида соҳада айрим хато ва камчиликларга ҳам йўл қўйилган. Кўрсатилаётган хизматлар сифати



лараро ва халқаро телефон сўзлашувлари 4,2 фоизга, ёзма хат-хабарлар 4,2, жўнатмалар 18, пул ўтказмалари 1,5 фоизга ўсган.

Хисобот даврида асосий телефонлар сони 18,8 мингтага ошди ва 2007 йил 1 октябр ҳолатига кўра 1793,2 минг дона (йил бошида — 1774,4 минг дона)ни ташкил этди. Шу даврда уяли алоқа абонентларининг сони 4577,0 минг (йил бошида 2720 мингдан иборат бўлди).

Алоқа ва ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги корхоналар томонидан 609 млрд. сўмлик хизматлар кўрсатилган (ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати — 50,5 фоиз), шу жумладан, аҳолига алоқа хизмати кўрсатиш 396,5 млрд. сўмни ташкил этган. Экспорт ҳажми 23,2 млн., импорт эса 25,5 млн. АҚШ долларини ташкил этди.

Жорий йилнинг тўққиз ойида инвестиция дастурига киритилган лойиҳалар бўйича 165,7 млрд. сўмлик инвестициялар ва кредитлар ўзлаштирилди. Тошкент ахборот технологиялари университети талабаларининг билим

узоқ ва бориш қийин бўлган аҳоли яшаш масканларига телерадио тарқатиш ускуналари ўрнатилди ва бугунги кунда мазкур қурилмаларни эксплуатацияга қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси ишлари яқунланмоқда.

2007 йилнинг 1 октябр ҳолатига кўра маълумотлар узатиш, жумладан, интернет тармоғига уяли хизматини кўрсатувчи ҳўжалик юритувчи субъектлар сони — 743та, шундан 648таси жамоа масканларидир. Интернетдан фойдаланувчилар сони 2,0 млн.ни ташкил этди.

Вазирлар Маҳжамасининг 2007 йил 16 февралдаги 34-сонли қарори асосида ҳозирда 34та оммабоп ахборот ресурслари ишлаб чиқилди. Барча ишлаб чиқилган сайт ва порталлар, уларни келажакда керакли маълумотлар билан тўлдирish ва ишлатиш мақсадида тегишли идораларга топширилган.

2007 йилнинг тўққиз ойи давомида Ёш дастурчиларни тайёрлаш ва кўллаш қувватлаш марказида 351 нафар тингловчи тахсил олди. Республикаимизнинг барча вилоятларида ҳам ушбу марказ-


бўйича корхоналарга 6673та мурожаатдан 5794таси шикоят тариқасида бўлиб, 14,9 фоизга камайган. Ҳозирда Тошкент шаҳрида — 8552та, Хоразмда — 3480, Сирдарёда — 2238, Тошкент вилоятида — 2206, Навоийда — 1313, Қашқадарёда — 1888, Қорақалпоғистонда — 1526, Бухорода — 1398та хавфли кесимиша мавжуд.

Пенсия тўловларини ўзлаштириш ҳолатлари ҳам учраб турибди.

Маъжлисда кузги ва қишқи мавсумга тайёргарлик ишлари ҳамда келгуси вазифалар ҳам атрофича муҳомама қилинди ва зарур чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Муҳокамаларда Давлат алоқа инспекцияси бошлиғи Ш.Абидқоджаев, "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ бош директори Р.Қосимов, "Ўзбектелеком" АК бош директорининг биринчи ўринбосари Б.Нурматовлар сўзга чиқиди.

Ҳайъат йиғилишида кўрилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.



**Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг 2006 йил 28-30 март кунлари Корея Республикасига давлат таширифи давомида икки мамлакат ўртасида Стратегик ҳамкорлик тўғрисидаги қўшма декларация имзоланган эди.**

**Ўзбекистон — Корея:**

# Ҳамкорлик самараси



Ушбу муҳим ҳужжат ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳамда Корея Республикаси алоқа ва ахборот вазирлиги ўртасида Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида ҳамкорлик бўйича англашув меморандуми имзоланиб, ҳамкорлик учун томонларни қизиқтирган йўналишлар аниқлаб олинди. Меморандумнинг самарали ижросини таъминлаш мақсадида АКТ соҳасида ҳамкорлик бўйича идоралараро кўмита тuzилди.

Кеча Корея Республикаси алоқа ва ахборот вазирлиги Ю Ёнг Хван бошчилигидаги делегация

ция юртимизга ташриф буюрди. Ташриф давомида юқори мартабали меҳмон Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Агентлик Бош директори А.Арипов билан учрашди.

Шундан сўнг, Ю Ёнг Хван бошчилигидаги делегация Тошкент ахборот технологиялари университетида бўлиб, «Интернет Плаза» Ўзбекистон-Корея ахборот технологиялари марказининг тантанали очилиш маросимида иштирок этишди.

«Интернет Плаза» Ўзбекистон-Корея ахборот технологиялари маркази Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳамда Корея Республикаси алоқа ва ахборот вазирлиги кўмагида ташкил этилди. Марказ ташкилотчилари Корея рақамли ривожлантириш имкониятлари агентлиги (KADO) ва Тошкент ахборот технологиялари университети ҳисобланади.

Марказ мажмуасидан АКТнинг янги турлари бўйича илм олиш имконини берувчи компьютер синфи, интернет хизматларидан фойдаланиш зали, АКТ ускуналари билан таъминланган семинар ва йиғилишлар ўтказишга мўлжалланган зал ўрин олган.



**СУРАТЛАРДА:** 1. (чапдан ўнғига) Корея Республикаси алоқа ва ахборот вазирлиги Ю Ёнг Хван, Корея Республикасининг Ўзбекистондаги Фахрулода ва Мухтор элчиси Кён Джэ Мин, KADO президенти Сон Ён Ки. 2. «Интернет Плаза» Ўзбекистон-Корея ахборот технологиялари марказининг компьютер синфи.

**Лутфилло ТУРСУНОВ**

## SEMINAR



### Ахборот хавфсизлиги: муаммо ва ечимлар

Жорий йилнинг 24 октябр куни Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигида "Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида ахборот хавфсизлиги. Уни ҳал қилиш йўллари ва муаммолари" мавзuida семинар бўлиб ўтди. Тадбирни Агентлик Бош директори ўринбосари М.Сангилов бошқарди.

Маълумки, республикада ахборот хавфсизлигини таъминлаш тизимини такомиллаштириш борасида қатор чора-тадбирлар амалга ошириляпти. Яъни унда вазирлик ва идоралар, ахборот технологияларида дахлдор ташкилот борки, иштирок этиши кўзда тутилган.

Семинарда ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг ҳуқуқий асослари, бир томонлама узатишда криптография тизимида янги усуллардан фойдаланиш, Ўзбекистон Республикаси ахборот майдонини ҳимоялашнинг долзарб масалалари, GSM ва CDMA уяли алоқа тармоқлари хавфсизлиги, почта алоқасида ахборот хавфсизлиги, ISO/IEC 17799 стандартдан фойдаланиб электрон ҳужжат алмашишни амалга оширишда ахборот хавфсизлиги, ахборот тизимларини қайд этилмаган киришдан ҳимоялаш, очик калитлар инфратузилмаси хавфсизлиги сингари турлича йўналишдаги, аммо ягона мақсадга қаратилган мавзуларда маърузалар қилинди, шу билан бирга, бу борада ўзаро таъриб алмашишининг роли катталиги таъкидлаб ўтилди. Тингловчилар ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олишди.

Тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Ўзбекистон Республикаси Президенти аппарати, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, уяли алоқа компаниялари, алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси корхоналари ҳамда бошқа вазирлик ва идоралардан вакиллар қатнашишди.

**Ўз мухбиримиз**

## 2007-ҲИЛ – ИҶТИМОИЙ НИМОҲА ҲИЛИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

Авалло, шунинг айтиш керакки, Президентимизнинг 2007 йил 23 январдаги "Ижтимоий ҳимоя йили Давлат дастури тўғрисида"ги қарори эълон қилинган, мазкур дастурни бажариш юзасидан компаниянинг махсус буйруғи қабул қилиниб, чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди ва унинг бажарилиши назоратта олинди. Ушбу режага мувофиқ, жами 234,3 млн. сўмлик харажатлар кўзда тутилган бўлиб, ўтган тўққиз ой давомида 233,8 млн. сўм сарфланди. Жумладан, кўп болали, кам таъминланган оилаларга, ишлаётган ёлғиз пенсионерлар ҳамда компания тасарруфидаги корхоналарда ишлаб пенсияга чиққан қариялар, уруш фахрийларига 35,62 млн. сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Келишувлар ва Жамоа шартномалари асосида 1500 нафар ходимнинг, шу жумладан, 400 нафар ногирон, ёлғиз қария, уруш ва меҳнат фахрийлари, кам таъминланган фуқароларнинг дам олишлари ва соғломлаштирилишлари учун 7,8 млн. сўмлик маблағ харажат қилинди. Ишлаётган, ишлаб пенсияга чиққан ва кам таъминланган қарияларни бепул тиббий кўриқдан ўтказиш ва даволаш мақсадларига 3,9 млн. сўм сарфланди. Спортни соҳа ходимларининг кундалик аҳтиёжига айлантириш ҳамда Меҳрибонлик, Мурувват ва Саховат уйларида яшовчиларни моддий қўллаб-қувватлаш мақсадлари учун ҳам салмоқли маблағ сарф этилди.

— Давлат дастурининг бевосита бизнинг фаолиятимизга боғлиқ бўлган "Ёлғиз пенсионерлар ва ногиронларнинг телефон алоқаси билан таъминлашни даражасини ошириш ҳақида"ги 87-бандини бажаришга, айниқса, жиддий эътибор берялмиш, — дейди "Ўзбектелеком" АК бош директори ўринбосари Мажид Қодиров. — Чора-тадбирлар режасига мувофиқ, компания ва унинг таркибидаги филиал ҳамда корхоналар аҳолининг ижтимоий ёрдамга муҳтож

# Эзгу амаллар этади давом



«ТШТ» филиали маркетинг ва алоқа хизмати кўрсатиш бўлими ходимлари

қатламларини алоқа воситалари билан имтиёзли таъминлаш мақсадида бор имкониятлардан фойдаланмоқдалар. Шу кунга қадар республикада худудда яшовчи 957 нафар ёлғиз пенсионерлар, фахрийлар ва ногиронларнинг муурожаати қабул қилинганлиги ва улар илтимоси қондирилиб, ушбу мақсад учун 45 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланганлиги фикримнинг далилидир.

Дарҳақиқат, яқка-ёлғиз пенсионер ва ногиронларни алоқа воситалари билан таъминлашга бўлган эътибор бу йил ҳар қачонгидан ҳам юқори бўлди. Бунинг билан бери 120 хонадонга имтиёзли телефон ўрнатиб, муҳтожларга қувонч улашган "Жиззах Телеком" филиали, 119 нафар инсонни алоқа соҳасида ижтимоий ҳимоялашга муваффақ

бўлган "ЎЗ-Самарқанд" филиали, 82 нафар ўқисқ кўнгилли обод этган "Анджон Телеком" филиали мисолида яққол қириш мумкин. Бу борада "Тошкент шаҳар телефон тармоғи" филиали томонидан олиб борилаётган ишлар, айниқса, мақтовга лойиқдир.

— Ўтган тўққиз ой ичида 170 нафар муҳтож хонадон алоқа воситаси билан имтиёзли таъминланди, — дейди биз билан суҳбатда "ТШТ" филиали директори Абдурашид Абдумўминов. — Бу ишга барча телефон алоқаси боғламалари ўз ҳиссаларини қўшишди. Айниқса, Собир Раҳимов, Яққасарой, Марказий, Чилонзор, Миробод, Янгибод, Мирзо Улугбек алоқа боғламалари алоҳида намуна кўрсатишди.

Биз "ТШТ" филиали маркетинг ва


алоқа хизмати кўрсатиш бўлими бошлиғи Валерий Гулин ҳамда бўлим мутахассиси Доно Хусановалар билан имтиёзли телефондан фойдаланаётган пенсионер ва ногиронлар — Р.Кушнер, Р.Қазақова, Д.Абдуллаева, О.Абдураҳмонова, М.Тошматоваларнинг хонадонларида бўлганимизда, улар берилган имконият учун ўз миннатдорчиликларини изхор этдилар.

— Ўн йилдирки, ногирон фарзандим тарбияси билан бандман, — дейди Маъмура Тошматова. — Кўнда, кўнора уйга шифокор қақирришга тўғри келади. Ҳар гал қўшининг эшигини тақиллатиш қанчалар оғир эканлигини бошига тушган билади. Энди эса ўз телефонимиз бор. Барака топқурлар текинга ўрнатиб кетишди. Мен шу ишнинг бошида турган Собир Раҳимов телефон алоқаси боғламаси мижозлар бўлими бошлиғи Қобилжон Орифжоновга ва мен каби муҳтож инсонларга яқиндан ёрдам бераётган барча меҳрибон одамларга раҳмат айтаман.

Халқимизда "Олтин олма, дуо ол!" деган аjoyиб мақол бор. Муҳтожларга кўлдан келганича ёрдам бериш зарурлиғига эслата тарзидеги бу мақол беҳиз яратилмаган. Зеро, умрини юрт равнақи йўлида сарфлаган уруш ва меҳнат фахрийлари, кексайиб, бир оғиз ширин сўз, озгина эътибор ҳар нарсадан қиммат бўлиб қолган ёлғиз пенсионер ва ногиронларга қўмақ бериш савоб ишлардандир. "Ўзбектелеком" АКдаги эзгу амаллар бундан кейин ҳам давом этади.

**Муборак МИРКАМОЛОВА,**  
"Xabar"нинг махсус мухбири

**Каримжон МУЛЛАБОВ**  
олган суратлар.



## ЦЕНТРУ НАУЧНО-ТЕХНИЧЕСКИХ

# ВКЛАД ЦНТМИ

## В РАЗВИТИИ ИНФКОММУНИКАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В УЗБЕКИСТАНЕ



**М. МАХМУДОВ,**  
директор Центра научно-технических и маркетинговых исследований

Каждая организация, отмечая определенные вехи своего становления, анализирует итоги своей деятельности и определяет стратегические направления развития.

Укрепление независимости страны требовало динамичного развития столь сложной, наукоёмкой и высокотехнологичной отрасли как «связь». Поэтому в октябре 1992 года Министерством связи Узбекистана организован Научно-исследовательский центр отрасли. Основными задачами Центра являлись - создание современной нормативно-правовой и законодательной базы, проведение научно-исследовательских работ по актуальным направлениям развития и внедрения новых технологий.

Большой вклад коллектив ЦНТМИ внес в разработку законов Республики Узбекистан «О связи», «О почтовой связи», «О телекоммуникациях», «О радиочастотном спектре», «Об информатизации», «Об электронной цифровой подписи», «Об электронном документообороте», «Об электронной коммерции» и др. Дальнейшее развитие требовало быстрыми темпами разработку нормативно-правовой базы, обеспечивающей высокое качество работы.

В 1992 году Центром было разработано 4 нормативных документа, в 1999 году их количество составляло 79. За прошедшие годы количество разработанных нормативных документов составило 636, в том числе 39 государственных и 61 отрас-

левых стандартов (рис. 1). Создана и в настоящее время функционирует автоматизированная система Банка данных нормативных документов в данной сфере. Система работает в сети интернет как сетевая версия и с июля текущего года из него документов стал бесплатным. Специалисты Центра активно участвовали в реконструкции и модернизации сетей телекоммуникаций республики.

Важным направлением деятельности ЦНТМИ являются научные исследования и внедрение их результатов в производство. Первые НИР в ЦНТМИ с 1998 года начались с объема 20 млн. сум, в 2006 году они достигли 186 млн. сум. (рис. 2). С 2005 года начали выполнять научные работы для зарубежных партнеров и выполнен объем работ на 28 млн. сум.

Одним из важнейших факторов эффективности НИР является наличие материально-технической базы, включая специализированное оборудование, электронно-цифровые измерительные системы и приборы, компьютеры и оргтехнику. Сегодня в ЦНТМИ функционируют 161 компьютеров и 66 приборов, по итогам 2007 года общие расходы на эти цели составили более 850 млн. сум (рис. 3).

С развитием деятельности Центра расширяется его структуры. В 1992 году в Центре работали 3 научно-исследовательские лаборатории, а общее количество работников составляло 21. В 2007 году в ЦНТМИ работают 25 научно-исследова-

тельских отделов, 8 лабораторий и 170 сотрудников, из них 8 кандидатов наук и 4 доктора наук. В последние годы в значительной степени активизировалась работа по наращиванию научно-потенциала, 12 соискателей ученых степеней успешно работают над диссертаци-



онными работами.

После принятия Законов Республики Узбекистан «О сертификации продукции и услуг» и «О защите прав потребителей» создан при ЦНТМИ Орган по сертификации технических средств телекоммуникаций, которым в общей сложности выдано более 869 сертификатов (рис. 4). Вся динамика развития ЦНТМИ, ее структурные изменения, расширение спектра научно-исследовательских работ, подтверждает фактор динамичного реагирования на потребности отрасли и ее развитие.

В 1997 году наиболее остро стояли вопросы метрологического и нормативно-правового обеспечения и соответствующими приказа-

ми Министерства связи в ЦНТМИ организованы базовая метрологическая служба и базовая организация по стандартизации. Отделом почтовой связи также разработан ряд нормативных актов, определяющих основные задачи, требования и мероприятия, в том

числе по обеспечению безопасности в сетях почтовой связи. Благодаря исследованиям современных методов оценки криптостойкости разработаны и утверждены государственные стандарты «Процессы формирования и проверки электронной цифровой подписи», «Алгоритм шифрования данных», «Функция хеширования» и получен патент по криптографической защите информации.

В марте 1999 года образованы научно-исследовательский отдел информационных технологий и услуг, и отдел экспертизы проектно-сметной документации. За время работы проведена экспертиза более 3000 рабочих проектов по строи-

тельству, реконструкции и модернизации объектов связи. С целью формирования нормативно-правовой базы, регулирующей вопросы охраны труда сформирован научно-исследовательский отдел охраны труда и техники безопасности.

Для измерения и инструментального исследования вредных производственных факторов на рабочих местах создана специализированная отраслевая Лаборатория, обладающая современной испытательной базой и квалифицированным персоналом. Данная лаборатория аккредитована (свидетельство №.UZ.AMT.07.MA1.559). При непосредственном содействии Лаборатории проведена аттестация рабочих мест на 8 предприятиях и организациях сферы связи и информатизации.

Учитывая актуальность создания кадастра объектов связи, в 2000 году приказом УзАСИ при ЦНТМИ организована служба Государственного кадастра объектов связи для учета и оценки состояния объектов связи. Для улучшения работы данной службы утверждена «Концепция создания системы представления кадастровой информации объектов связи в электронной форме в Службу ГКОС», на основании которого разработана автоматизированная система сбора и обработки кадастровой информации.

В 2000 году с целью формирования научной базы в области распространения радиоволн и использования




Рисунок 1. Разработанные нормативные документы и государственные стандарты.




Рисунок 2. Динамика развития научно-исследовательских работ.

# И МАРКЕТИНГОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ 15 ЛЕТ

радиочастотного спектра создана служба анализа электромагнитной совместимости радиоэлектронных средств, которым разработаны стандарты и проводятся НИР.

В связи с необходимостью создания на государственном языке терминологии в области связи и информатизации в августе 2002 года создана отраслевая служба терминологии и словарей. Отделом разработаны 10 словарей, в том числе 9 толковых, в этом году выпущен «Узбекско-русский толковый словарь по электронной технике и радиоэлектронике», подготовлены к изданию «Словарь по телевидению» и сокращения «Англо-русско-узбекский словарь по телекоммуникации».

Еще одним свидетельством реагирования на требования отрасли и развитие информационных технологий является создание в октябре 2005г. Центра регистрации ключей электронной цифровой подписи. За короткий период Центром регистрации было выдано более 600 сертификатов ключей электронной цифровой подписи.

С целью обеспечения актуальной научно-технической, аналитической информацией специалистов ЦНТМИ и заинтересованных предприятий программными продуктами в феврале 2006г. создан Отдел программных продуктов. Основными разработками отдела являются автоматизированные системы: кадастровой информации; контроля целостности кабельных сетей связи; «Мониторинг кадров»; «Электронный терминологический словарь»; «Электронный словарь по делопроизводству». По этим разработкам в патентном ведомстве получено 6 авторских свидетельств.

Сегодня ЦНТМИ является членом таких международных организаций, как



Европейский институт стандартизации телекоммуникаций, Ассоциация документальной электросвязи, также ведется активное участие в работах Международного союза электросвязи, Всемирного почтового союза, Регионального сотрудничества в области связи.

Достижениями коллектива является проведенные крупные международные семинары:

в 2002 году «Гибридные солнечно-ветровые системы: условия эффективного применения»;

в 2003 году «Стандартизация и развитие информационно-коммуникационных технологий для информационного общества»;

в 2005 году «Стандартизация NGN и развитие услуг ИКТ» и «Взаимоподключение сетей телекоммуникации»;

в 2005 и 2006 гг. Международная конференция по вопросам электронной цифровой подписи.

Подписаны и практически реализуются договоры о сотрудничестве с крупнейшими научными центрами, такими как: ЛОНИИС, ЛОНИР, УНИИС, НИИР, ЦНИИС и др. Завершены совместные с ЛОНИР научные исследования для Центра электромагнитной совместимости по разработке норм частотно-территориального разноса для обеспечения электромагнитной совместимости РЭС, работающих в частотном диапазоне 450 МГц.

Организованный с 1997 года отдел «Алокаинформ» обеспечивает предприятия отрасли решениями Правительства и УзАСИ, нормативными документами. Решением УзАСИ в начале текущего года на базе ежемесечного бюллетеня «Алока ахборотномаси» создано официальное издание УзАСИ «Алокаинформ». С 2005 года ЦНТМИ выпускает «Сборник научных трудов ЦНТМИ», на базе которого в учредительстве УзАСИ и ЦНТМИ организован и зарегистрирован в Узбекском агентстве по печати Научно-технический журнал «Инфокоммуникации: Сети. Технологии. Решения».

За 15-лет своей деятельности ЦНТМИ смог повысить свой научный потенциал в различных областях развития инфокоммуникационных технологий и старается участвовать в приоритетных направлениях развития связи и информатизации. Услуги ЦНТМИ сегодня востребованы не только отраслевыми предприятиями, а также различными министерствами и ведомствами.

Сегодня основные заказчики - УзАСИ, ГИС, ЦЭМС, АК «Узбектелеком», зарубежные компании - производители. Благодарим руководства отрасли за постоянную поддержку перспективных направлений по которым Центр проводит исследование и предлагает к внедрению в сфере.



## ЦЕНТР НАУЧНО-ТЕХНИЧЕСКИХ И МАРКЕТИНГОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

### Переход на новый уровень


- ✓ Разработка нормативных документов, стандартов и проведение НИОКР
- ✓ Стандартизация и метрологическое обеспечение
- ✓ Сертификация и испытания технических средств телекоммуникаций
- ✓ Маркетинговые исследования и консультационные услуги в области СМК
- ✓ Экспертиза проектно-сметной документации и проектирование

г.Ташкент, ул. Богишамол, 7а  
Тел.: 150-34-01 Факс: 135-79-07, 150-33-76  
E-mail: [info@ftmtm.uz](mailto:info@ftmtm.uz)  
[www.ftmtm.uz](http://www.ftmtm.uz)



# Сардор

Юзидан нур ёғилиб турган шижоатли бу йигит билан 1993 йили, республика алоқа ходимларининг йиллик иш якунлари муҳокама қилинган мажлисда танишганман. Январ ойи эди ўшанда. Шуманай тумани алоқа боғламаси бошлиғи бўлиб ишлаётган Узоқбой Утемуратов соҳада эришилган ютуқлар ва ечимини кутаётган муаммолар ҳақида батафсил баён қилган эди. Залда ҳамма-нинг дилидаги гаплар айтилди, шекилли, қарсақлар янгради.



Узоқбой билан яқиндан танишиб, суҳбат қурдик. Маълум бўлишча, у 1972 йили ўрта мактабни тугатган, телеграфга ишга кириди. Ҳарбий хизматни тугатган, ушбу корхонада оператор бўлиб ишини давом эттирди. Иш жараёни билан таниш бўлгани боис, бу вазифа унга қийинчилик туғдирмади. Тинмай ўрганади, тайёрлов курсларида малака оширади. 1987 йили Нукус алоқа техникумида ўқиб, почта алоқаси техник мутахассислигига эга бўлган ходим туман алоқа боғламасига бошлиқ этиб тайинланади.

— Даставвал, кадрлар билан ишлашни тўғри йўлга қўйдим, — дейди Узоқбой Утемуратов. — Ишнинг кўзини биладиган ходимларни масъулиятли вазифаларга тавсия этдим. Натига ёмон бўлмади, орадан вақт ўтиши билан республиканинг энг чекка ҳудуди бўлган Шуманай туманида алоқа сифати яхшиланиб, меҳнатларим кадрланди ва мен "Фахрий ёрлик" билан тақдирландим. Бундай ютуқларга эришишимга катта ҳисса қўшган устозларим Бозорбой Атамуратов, марҳум Кенесбой Қурбонбоев, Сауле Абдуллаевлардан умрбод миннатдорман.

Хозирда Шуманай туманидаги тўққизта алоқа бўлими хабарчилари аҳолининг почта алоқаси хизматида бўлган талабини қондиришга ҳаракат қилмоқда. Ўтган йили 66 миллион сўмлик обуна қабул қилинди. Ҳар куни тўрт-беш миң донга газета-журналлар, мингга яқин хат-хабарлар, шунингдек, тўрт мингдан ортқ пенсионерларнинг нафақа пуллари етказиб берилмоқда. Бундан ташқари, аҳолидан коммунал тўловлар ҳам қабул қилинмоқда.

Айни пайтда 2008 йил учун матбуот нашрларига обуна кампанияси барча алоқа бўлимларида қизғин борапти. Бу ишларга ўз касбининг устаси Узоқбой бош-қош бўлмоқда.

**Раҳимжон БОЛТАБОВ,**  
"Xabar"нинг Қорақалпоғистондаги муҳбири

## ORAMIZDAGI ODAMLAR

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Сирдарё филиалида бир аёл ишлайди: Айша Арсланова. Филиал директори Тожимирза Сайфуллаев имзолаган тавсифномада обуна бўлимининг етакчи мутахассиси бўлган бу аёл ҳақида шундай жумлалар бор:

"Почта алоқаси соҳасининг ривожланишига салмоқли ҳисса қўшиб келаётган Айша Мансуровна катта тажрибага эга, ёш ходимларнинг меҳрибон устози". Бошлиқнинг бу фикрлари бежизга айтилмаган, албатта.

Меҳнат фаолиятини 1973 йилда ўша пайтдаги "Матбуот уюшмаси"да бошлаган Айшахон дастлаб газета ва журналлар бўйича буюртмаларга ишлов берувчи мутахассис бўлиб ишлади. Ишдан ажралмаган ҳолда Сирдарё давлат педагогика институтининг рус тили ва адабиёти бўлимини битирди.

— Бундан 35 йил муқаддам газета ва журналлар сони санокли эди, — дея эслайди Айшахон. — Хозирги кунда эса вилоятимизнинг ўзида 35та матбуот нашри босмадан чиқаяпти. Уларга обунани уюшқоқлик билан ташкил қиляпмиз. Аҳоли, корхона ва ташкилотлардан газета ва журналларга обуна расмийлаштириш бўйича буюртмалар қабул қиляпмиз. Обунани ташкил қилиш,

## Дарахт бир жойда кўкаради

кейин эса йил давомида буюртмачиларга етказиб беришни назорат қилиш осон иш эмас, албатта.

Маълумки, ходимлар ҳақида гамхўрлик филиал касабга уюшмаси кўмитаси фаолиятининг ажралмас йўналишларидан бири. Айниқса, бу фаолият қирраси Ижтимоий ҳимоя йилида кўзга яққол ташланиб турибди. Туғилган кунларда ходимларни табриқлаш, юбилейларни нишонлаш, муҳтож оилаларга маънавий ва моддий ёрдам кўрсатиш, беморларни, ёш оилаларни, яқинлари вафот этган хизматчиларни қўлаб-қувватлаш сингари масалалар жамоа шартномасининг ўзагини ташкил этади. Уларни амалда бажариш эса касабга уюшмаси кўмитасининг кундалик юмушлари сирасига киради. Яқинда механик Сирожиiddин Нажмиддиновнинг туғилган куни жамоа ўртасида нишонланди. Пенсияга чиқши ва юбилеий муносабати билан Валентина Кролёва, Екатерина Холматоваларга бир ойлик маош миқдоридagi пул мукофоти берилди. Шунингдек, ёрдамга муҳтож ходимлар ҳам эътибордан четда қолмапти. Шу кунгача йигирма нафар ходимга тегишли моддий ёрдам кўрсатилди.

— Аксарият кам таъминланган ходимларга, юбиларлар ва муҳтож оилаларга маблағ маъмурият билан касабга уюшмаси кўмитаси ўртасида тузилган жамоа шартномасига мувофиқ ажратилаяпти, — дейди филиал касабга уюшмаси кўмитаси раиси А.Арсланова. — Шунинг учун ҳам охириги беш йил мобайнида ходимлар кўнимсизлиги узил-кесил барҳам топди. Филиалимиз раҳбарияти бизга барча шарт-шароитларни яратиб берапти. Асосий мақсадимиз аввало иш сифатини яхшилашдан иборат. Бунга эришиш учун эса ходимларга гамхўрликни кучайтириш керак.

"Дарахт бир жойда кўкаради", деган ҳикматли гапнинг амалий исботини Айша Арсланова фаолиятида кўрса бўлади. Бошқаларга намуна кўрсатиб ишлаб келаётган бу инсоннинг ишларида янгидан-янги муваффақиятлар, оиласига эса ҳаммиша тинчлик-тотувлик тилаймиз.

**Азимбек ДЎСТМАМатов**  
Сирдарё вилояти

## TADBIR

### Тилга эътибор — элга эътибор

Жорий йилнинг 18 октябрида Тошкент ахборот технологиялари университетининг мажлислар залида Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган кўннинг 18 йиллигига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Тадбирда университетнинг маънавий-маърифий масалалар бўйича проректори Б.Оминов, университет давлат тили маркази раҳбари Н.Юнусов ҳамда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси А.Жўраевлар ўзбек тилига давлат тили мақоми берилишидан кўзланган мақсад ва талаблар, бу борада амалга оширилаётган ишлар, эришилган ютуқ ҳамда айрим камчиликлар ҳақида фикр билдиришди.

Университет талабалари ўзбек тили фани ўқитувчилари раҳбарлигида ифодали ўқш. нутқ маданияти каби ёш мутахассиснинг меҳнат фаолиятида жуда ҳам асқотадиган малакаларга эга бўлмоқдалар.

**Эраж ЭШМУРЗАЕВ,**  
ТАТУ "Ахборот клуби" аъзоси

Шу йилнинг 25-27 сентябр кунлари бўлиб ўтган "ICTExpo-2007" ахборот технологиялари миллий кўргазмаси доирасида "Ахборот технологиялари — болаларга" тадбири ҳам ташкил этилган эди. Ўзбекистон IT-ассоциациясининг таълим жараёнларини қўлаб-қувватлашга қаратилган ушбу ташаббусига кўргазмада иштирок этган бир қатор компаниялар хайрихоҳлик билдиришиб, таълим муассасаларига хомийлик ёрдами кўрсатишни маълум қилгандилар.

Ўтган ҳафтада таълим муассасаларига совғаларни тантанали топшириш маросими ўтказилди.

## Ахборот технологиялари — болаларга



Agata Impex компанияси томонидан 21-Меҳрибонлик уйига сканер, "Билайн" томонидан 22-Меҳрибонлик уйига компютер, I-teco Tashkent томонидан 69-мактабга принтер, Sharifa-T компанияси томонидан SOS-Ўзбекистон маҳалласига кўпфункционали қурилма (принтер, сканер, нусха кўчириш), USD Micros томонидан 231-мактабга компютер топширилди.

Шунингдек, Baik Technologies ва Intelligent Solutions компаниялари 31-мактаб ҳамда 2-мактаб-интернатга компютер ва принтерларни тақдим этди.

## ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ

Маълум қиладики, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги «Телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 458-сонли қарори билан тасдиқланган «Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида Низом»нинг 48-бандига асосан «Талимаржон иссиқлик электр станцияси» унитар корхонасининг (Қашқадарё вилояти) шаҳарлараро телекоммуникация тармоқларидан фойдаланиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 001613 рақамли лицензиясининг амал қилиши 2007 йил 22 октябрдан тикланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 24 октябрдаги «Телекоммуникациялар соҳасида фаолият кўрсатиш ҳуқуқи учун давлат божи миқдорларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 421-сонли қарорига асосан «ХРП-22» рассомчилик реклама корхонасининг (Қашқадарё вилояти) маҳаллий телекоммуникация тармоқларидан фойдаланиш (техник хизмат кўрсатиш) бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0001655 рақамли лицензиясининг амал қилиши 2007 йил 22 октябрдан 10 иш кунига тўхтатилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги «Телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 458-сонли қарори билан тасдиқланган «Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида Низом»нинг 49-бандига асосан «Мамат Шарипович алоқа сервис» хусусий корхонасининг (Қашқадарё вилояти) аризасига мувофиқ кўчма радиотелефон (транк) алоқа тармоқларидан фойдаланиш ва хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0001730 рақамли лицензиясининг амал қилиши 2007 йил 22 октябрдан тўхтатилди.

# Хабар +tv



2007-йил, 29-октябрь  
43 (7881)-сон

## ОУЗБЕКСТОН

- 5.55 Курсуловлар дастури.
- 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».
- 7.00 «Турмуш чоррағаларида». Телекөрсаткич.
- 7.45 «Ситим мерос».
- 8.00-8.40 «Тавелениш».
- 8.45 «Олам ва одам» дастури. «Ифтихор оқишлари».
- «Болалар сайраши».
- 9.10-11. «Болалар дунёси».
- 2. «Барча сайёти». Мультасериал.
- 9.00 «Вақитлар».
- 11.00 «Абдор».
- 11.15 «Анчақ яшган». Телекөрсаткич.
- 11.50 «Қуртми бўйлаб» дастури. «Қуйишма ўша».
- 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Кундузги дастур.
- 13.00 «Олам ва одам» дастури. «Экспедиция».
- 13.50 «Она юрт навоилари».
- 14.00 «Абдор».
- 14.20 «Ҳари қоник». Ўзбек миллий академик драма театрининг спектакли.
- 15.20 «Минг бир рақат».
- 15.25 «Ҳари қоник». Спектакль. 2-қисми.
- 18.15 «Одвинг орагани».
- 16.35 «Қуртми бўйлаб» дастури. «Хоразмнинг наваибери қирғоқлари».
- 17.00 «Абдор».
- 17.10 «Ситим мерос».
- 17.15 «Ўзбекистон курсуловлари».
- «Болалар сайраши».
- 17.40 «Эрталаб» - психология еталоли.
- 17.55 «Минг бир рақат».
- 18.00 «Турмуш чоррағаларида». Телекөрсаткич.
- 18.45 «Бир кун».
- 17.40 «Эрталаб» - психология оқишлари.
- 19.20 «Сезнинг ардоқлигини».
- 19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
- 20.30 «Абдор» (рус тилида)
- 20.05 «ТВ инфор».
- 20.10 «Анчақ яшган». Телекөрсаткич премьераси (Туркия)
- 20.50 «Минг бир рақат».
- 21.00 «Абдор».
- 21.40 «Бир ўша»-ни 1-қисми.
- 22.00 «Қунинг раштаси». Телекөрсаткич премьераси (Корея)
- 23.00 «Қўшмиқасан, муҳаббат» (SMS, Осиё Берли)
- 23.15 «Шероқ Холмас ва Доктор Ватсон». Телекөрсаткич.
- 23.50-24.00 Тунги навоилар.
- «Шокиятлар».
- 24.00 Курсуловлар дастури.
- 00.05 «Ўзбекистон курсуловлари».
- 00.30 «Бир ўша»-ни
- 00.50 «Хайт мажаралари».
- 01.00 «Абдор». Информацион дастур (рус)
- 01.35 «Ситим мерос».
- 01.50 «Ҳари қоник». Спектакль.
- 03.40 «Миллийн сайраши».
- 04.00 «Абдор». Информацион дастур.
- 04.35 «Ситим мерос».
- 04.45 «Минг бир рақат».
- 04.50 «Турмуш чоррағаларида». Телекөрсаткич.
- 05.40-05.55 Тунги навоилар.



- 17.55 Дастурнинг оқишлари
- 18.00 «Даринга бола».
- 18.10 «Қўнқор дўмбоқчалар». Мультасериал.
- 18.20 «Болалар табиқаси».
- 18.25 «Тошкент — 2007 йилда ислом маданияти пайтахти».
- 18.30 «Илмий ва ҳуқуқий йилнинг бағишланди» «Миллат».
- 18.45 «ЎзБХ кабарлари».
- 18.50 «Бу ажаб Ватан — баркамол зоти».

## ДУШАНБА — 29 ОКТЯБР

- 18.55 «Телерадио».
- 19.00 «ДАБР».
- 19.30 «Айро тақдирлар». Телекөрсаткич.
- 20.05 «Музойил лозан».
- 20.10 «СПОРТЛОТ» телекөрсаткичи.
- 20.20 «Рақибдан қиратаман».
- 20.30 «ЎзБХ кабарлари» (рус ва инглиз тилларида)
- 20.40 «Биланг — бу».
- 20.45 «Эълонлар».
- 20.50 «Анчақ яшган». Телекөрсаткич.
- 21.35 SMS-музыка. Ёш юрочилар танлови.
- 21.55 Ўзбекистон Республикаси Конституциянинг 15 йилгача: «Қўмуқ».
- 22.30 «ДАБР».
- 22.30 «Музыл мултон».
- 22.50 «Қанчун». Телекөрсаткич.
- 23.50 — 23.55 «Тақвим».

## ТЕЛЕВИЗИОН

- 17.55 Мультасериал «Қўнқор амазонка эълонлари».
- 18.05 «Телерадио» - меркет».
- 18.25 «Биланг».
- 18.30 «Поливал» аборот дастури.
- 18.50 «Қанчун». Телекөрсаткич.
- 19.20 «ТВ юрист».
- 19.25 «Музыка SMS».
- 19.30 «Саломат бўлинг» /рус/.
- 20.00 «Поливал» аборот дастури /рус/.
- 20.15 «ТВ юрист» /рус/.
- 20.20 «Мисс Марси». Телекөрсаткич.
- 20.50 «Интервик» /рус/.
- 21.00 «Жанг».
- 21.30 «Поливал» аборот дастури.
- 21.45 «Ялғизлик».
- 21.50 «Телерадио» - меркет».
- 22.10 «Аён қанчун».
- 22.30 «Поливал» аборот дастури /рус/.
- 22.45 «Кино SMS со эълонлари».
- 22.50 - 00.45 Кинко. «Миллатик в железной маске».

## SPORT

- 7.00 «Биринге утрон».
- 8.00 «Талани».
- 8.30 «Делюжик».
- 9.00 «Вариян».
- 9.30 «Миллатик +».
- 10.30 «Гуламатал Нони Кавказок». Док. фильм.
- 10.55 - 11.45 Боксболит. Мировая Лига. Желатина.
- 18.00 Болалар спорти.
- 18.20 «Тел-а-тел».
- 18.30 «Аборлар» (рус тилида)
- 18.50 «Музойил тайм».
- 19.10 «Спортнинг миллигалари».
- 19.30 Футбол шариати.
- 20.00 «Жанг манча».
- 20.30 Белбоғли кураш. Жаҳон чемпиони.
- 21.30 «Аборлар» (рус тилида)
- 21.50 ПрофРинг.
- 22.40 «Резв надежда». Серкил.
- 23.30 «Тунгизга оудат бўлини».

## БИРИНЧИ

- 5.00 ТЕЛЕКАНАЛ «ДОБРОЕ УТРО».
- 8.00,12.00, 15.00 НОВОСТИ
- 9.05 ТЕЛЕКАНАЛ «ДОБРОЕ УТРО», ПРОДОЛЖЕНИЕ
- 9.30 «МАЛХОВ ++»
- 10.30 «КОНТРОЛЬНАЯ ЗАКЛЮПМА».
- 11.00 «АГЕНТ НАЦИОНАЛЬНОЙ БЕЗОПАСНОСТИ». Т.С.
- 12.15 «МОДЛЬЯ ПРИГОВОР».
- 13.25 «ДЕТЕКТИВ».
- 14.00 ДРУГИЕ ТИПАЖИ.
- 14.30 «ФАБРИКА ЗВЕЗД».

- 15.15 «ПОНИАТЬ ПРОСТИТЬ».
- 15.50 «ЛОЛИТА БЕЗ КОМПЛЕКСОВ».
- 16.55 «ФЕДЕРАЛЬНЫЙ СУДЬЯ».
- 18.00 ВЕЧЕРНИЕ НОВОСТИ (С СУБТИТРАМИ)
- 18.15 «ЖДИ МЕНЯ».
- 19.05 «ТАТЬЯНИН ДЕНЬ». Т.С.
- 20.05 «СЛЕД».
- 21.00 ВРЕМЯ
- 21.30 Т.С. «КАПКАН».
- 22.25 «ТЕЩА В ДОМЕ».
- 23.30 «ФАБРИКА ЗВЕЗД».
- 0.05 «ЛЕДИ ИКС».
- 0.50 НОЧНЫЕ НОВОСТИ
- 1.05,3.30 Х.Ф. «ОТКРЫТЫЙ ПРОСТОР».
- 3.00 ВРЕМЯ
- 4.00 ФИЛЬМ «ВЛАСТЕЛИН БЕЗДНЫ».

## РОССИЯ

- ПОНЕДЕЛЬНИК 29 ОКТЯБРЯ
- 04.00 «ДОБРОЕ УТРО, РОССИЯ».
- 07.00 Д.Ф. «МИСТЕР ПОКАУТ. ЗАГАДКА ВАЛЕРИЯ ПОПЕНЧЕНКО».
- 07.55 Х.Ф. «ГОД ЗОЛОТОЙ РЫБКИ».
- 10.00, 13.00, 18.00, 19.00 «ВЕСТИ».
- 10.30, 12.40, 18.40 «МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ - МОСКВА».
- 10.50 Т.С. «ТАИСТВЕННЫЙ ОСТРОВ».
- 11.15 Х.Ф. «НЕУЛОВИМЫЕ МСТИТЕЛИ».
- 13.10 Т.С. «СВОЯ КОМАНДА».
- 13.40 Т.С. «МАХЕЛ».
- 14.30 «СУД ИДЕТ».
- 15.30 «КУЛАГИН И ПАРТНЕРЫ».
- 16.20 «МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ - МОСКОВСКАЯ ОБЛАСТЬ».
- 16.40 Т.С. «ТАЙНЫ СЛЕДСТВИЯ».
- 19.45 «ОПЛОХОЙНОНЧ, МАЛЫШИ».
- 19.55 Т.С. «И ПАДАЕТ СНЕГ».
- 21.55 Т.С. «В КРУТЕ ПЕРВОМ».
- 22.50 «МОИ СЕРЕБРЯНЫЙ ШАР. ПОСЛЕДНИЕ ГОДЫ ЖУЖИКИ ЗОШЕНКО».
- 23.50 «ВЕСТИ ++».
- 00.10 «ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ».
- 00.30 «ДОРОЖНЫЙ ПАТРУЛЬ».
- 00.40 Х.Ф. «ЗЕЛЕНый ДРАКОН».
- 02.30 КАНАЛ «ЕВРОНОВОС».

## НТВ

- ПОНЕДЕЛЬНИК, 29 ОКТЯБРЯ
- 05.00 «СЕГОДНЯ УТРОМ».
- 08.05 «СЛЕДСТВИЕ ВЕЛИ».
- 09.00,12.00,15.00,18.00,21.45 «СЕГОДНЯ».
- 09.25,14.30,17.30 «ПРЕЗВЫЧАЙНОЕ ПРОИСШЕСТВИЕ. ОБЗОР».
- 09.55 «КУЛИНАРНЫЙ ПОДИНОК».
- 10.35 «КАРТИННЫЙ ВОПРОС».
- 12.25 Т.С. «ЗАКОН И ПОРЯДОК».
- 15.30,00.40 Т.С. «ОПЕРА. ХРОНИКИ УБОЙНОГО ОТДЕЛА».
- 18.40 Т.С. «НАС ВОЛКОВА».
- 19.45 Т.С. «ПЛАТИНА».
- 20.45 Т.С. «ЧОРНЫЕ ДЬЯВОЛЫ 2».
- 22.10 Т.С. «БАЛЬЗАКОВСКИЙ ВОЗРАСТ, ИЛИ ВСЕ МУЖИКИ СВО... 3».
- 23.10 «ШКОЛА ЗЛОСЛОВИЯ».
- 00.10 «ТОР БЕАН».
- 02.30 «КРИМИНАЛЬНАЯ РОССИЯ».
- 02.55 Х.Ф. «КОРАБЛИ ШТУРМУЮТ БАСТЮЧКА».

## КУЛЬТУРА

- 06.00 КАНАЛ «ЕВРОНОВОС».
- 09.00 «НОВОСТИ КУЛЬТУРЫ».
- 09.20 «В ГЛАВНОЙ РОЛИ».
- 09.50 Х.Ф. «БЛИЗНЕШЬ».
- 11.10 «ЛЕГЕНДЫ МИРОВОГО КИНО. М. ЖАРОВ».
- 11.40 «ЕГО ВЕЛИЧЕСТВО КОНФЕРАНС-ДЕМ Б. БРУНОВ».
- 12.20 «МОИ ЭРИМАЖ».
- 12.50 ФИЛЬМ-СПЕКТАКЛЬ «СКВОЗ-

- НАЯ ЛИЧНОЯ».
- 14.25 Д.Ф. «ХОР ЖАРОВА».
- 14.55 «ПОРЯДОК СЛОВ».
- 15.00 М.С. «ЖИЛИ-БЫЛИ... ПЕРВООТКРЫВАТЕЛИ».
- 15.25 М.Ф. «НИКУТЬ НЕ СТРАШНО».
- 15.35 «АРКТИКА ВСЕРЕЗ».
- 16.00 Д.Ф. «ЧАРЛЬЗ ДАРВИН». (УКРАИНА)
- 16.10 Д.С. «ПОМЕСТЬЕ СУРИКАТ». «24-МЯ КАСАМИ РАНЕЕ».
- 16.35 «ПЕЛЕНЩИЦЫ СУДЬБЫ». Н. ДУРОВА.
- 17.00 «ДОСТОЯНИЕ РЕСПУБЛИКИ». СПАСО-ПРИУТИЛИКИ МОИСТАРЬ.
- 17.15 ПОЕТ Д. ХВОРОСТОВСКИЙ.
- 18.00 «НОЧНОЙ ПОЛЕТ».
- 18.30 «НОВОСТИ КУЛЬТУРЫ».
- 18.50 Х.Ф. «СТАРОМОДНАЯ КОМЕДИЯ».
- 20.20 «РУБИ НОВЫЙ БРАСЛЕТ А. КУПРИНА».
- 21.05 «ПОБЕДА НАД ВРЕМЕНЕМ».
- 21.35 «ТЕМ ВРЕМЕНЕМ».
- 22.30 «НОВОСТИ КУЛЬТУРЫ».
- 22.55 Х.Ф. «МЕСТЬ».
- 00.40 Д.Ф. «ЧУВСТВИТЕЛЬНОСТИ ДАР В. БОРОВИКОСКИЙ».
- 00.50 «НОЧНОЙ КОНЦЕРТ № 12 ДЛЯ ФОРТЕПИАНО С ОРКЕСТРОМ».

## СТС

- 07.00 Т.С. «ЛИЗКИ МАГУЙЕР».
- 07.45 М.Ф. «КА МАША ПОССОРИЛАС С ПОДУШКОЮ».
- 07.55,14.30 М.С.
- 08.00, 18.00,00.00 Т.С. «МОЯ ПРЕКРАСНАЯ НЕНА».
- 08.30,20.00,00.30 Т.С. «ПАЛЫНИ ДОЧКИ».
- 09.00,21.00 Т.С. «КАДЕТСТВО».
- 10.00,20.30,01.00 ИСТОРИИ В ДЕТАЛЯХ
- 10.30 Х.Ф. «ШУТЛИЦА 2».
- 12.30 Т.С. «БЕЗМИЛЫЙ СВАДЕТЕЛЬ».
- 13.30 «СЧИТАЙТЕ ЭТО НЕМЕДЛЕННО».
- 17.00 Т.С. «ДУЖИНИ ДОМА».
- 17.30 «ГАЛЛИО».
- 19.00 Т.С. «ТАЙНЫ СМОЛВИЦА».
- 22.00 Х.Ф. «СЛЕПАЯ ЯРОСТЬ».
- 23.45 В КАДРОВ
- 01.30 «ДЕТАЛИ».

## ТВ3

- 07.00 ПОНЕДОНОСНЫЙ ГОЛОС.
- 07.45,09.30 М.Ф.
- 08.15 М.С.
- 10.30,19.00 РЕШЕТТЫ СУДЬБЫ.
- 11.30,16.30 «УТС».
- 12.30,16.00 УСПЕХ ЗА 23 МИНУТЫ.
- 13.00,18.00 Т.С. «ЗВЕЗДНЫЕ ВРАТА».
- 14.00,21.00 ТАЙНЫ.
- 15.00,20.30 Т.С. «ГОВОРЯЩАЯ С ПРИЗРАКАМИ».
- 17.30 Т.С. «МУРАШКИ».
- 22.00 Х.Ф. «ЖИЛЛОУИН: 20 ЛЕТ СПУСТЯ».
- 00.00,02.30 Т.С. «БАЙКИ ИЗ СКЛЕПА».
- 00.30 Х.Ф. «ХРАНИТЕЛИ».

## НТНТ

- 04.45 Т.С. «ЛЮБОВЬ И ТАЙНЫ САНЕСТ БИЧ».
- 05.55 «ПОЗНАТЕЛЬНЫЕ НОВОСТИ».
- 06.00 УТРО
- 09.00,17.00,19.00 Т.С. «СЧАСТЛИВЫ ВМЕСТЕ».
- 10.00 М.С.
- 13.00 Т.С. «САША-МАША».
- 13.30,20,15.03.00 «ДОМ2».
- 14.15 ДРАМА «ФОРРЕСТ ГАМП».
- 18.30 МОСКВА: ИНСТРУКЦИЯ ПО ПРИМЕНЕНИЮ
- 20.00 «ДОМ 2. МЕНТЫ СБЫВАЮТСЯ».
- 21.00 КОМЕДИЯ «НЕВЕСТА И ПРЕДАС-СУДЬИ».
- 00.30 «НЕОБЪЯСНИМО, НО ФАКТ».

Хабар

## СТС

- 5.55 Курстугулар дастури.  
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон».  
7.00 «Турмуш қоррағларидан». Телесернал.  
7.50 «Отин мерос».  
8.00-8.35 «Айборт».  
8.40 «Отин ва одам» дастури: «Адав ва сунги олим».  
«Болалар сайраси».  
9.05-1. «Уйна, Илаза, Топи» Телемузоабора.  
2-«Рағиб сайради». Мультипликация.  
10.15 «Рақсим» сирғил олим».  
10.30 «Рағим дунё».  
10.50 «Сизнинг адиқлатилган».  
10.55 «ТБ шифокор».  
11.00 «Айборт».  
11.15 «Анақ айвон». Телесернал.  
11.50 «Айборт» (инглиз тилида)  
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон» Кундузи дастури.  
13.00 «Кунин риласи». Телесернал.  
13.55 «Отин мерос».  
14.00 «Айборт».  
14.20 «Отин ва одам» дастури: «Экспедиция».  
15.05 «Интеллектуал рағиб».  
15.50 «Бир кун».  
16.20 «Тарих кўзгуси».  
16.40 «ИВБ хабарлари».  
17.00 «Айборт».  
17.10 «Отин мерос».  
17.20 «Ташкил эълон» келавка эълон».  
«Болалар сайраси».  
17.40 «Эртақлар» қошиқча етаклар».  
17.55 «Мен бир ривоят».  
18.00 «Турмуш қоррағларидан». Телесернал.  
18.55 «Худудлар зами».  
19.10 «Оқлар оқушида».  
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.  
19.30 «Айборт» (рус тилида)  
20.05 «ТБ шифокор».  
20.10 «Анақ айвон», Телесернал.  
20.50 «Мен бир ривоят».  
21.00 «Айборт».  
21.40 «Бир ўқилган» 2-қисм.  
22.00 «Кунин риласи». Телесернал.  
23.00 «Қўлимаганим, мурдбаат» (SMS, Овоз Бериш)  
23.10 «Шерак Холмс ва Доктор Ватсон». Телесернал.  
23.45-23.55 Тунги наволар. Ўзбекистан».  
23.55 Курстугулар дастури.  
24.00 «Юртим бўлбаб» дастури: «Навбадор».  
02.20 «Бир ўқилган».  
02.30 «Рағим дунё».  
01.00 «Айборт». Информацион дастури (рус)  
01.30 «Отин мерос».  
01.40 «Янги кун». Информацион дам олаш дастури.  
02.30 «Бир кун».  
03.00 «Айборт» (инглиз тилида)  
03.10 «KINOMANUAL».  
03.40 «Истелда».  
04.00 «Айборт». Информацион дастури.  
04.35 «Отин мерос».  
04.45 «Мен бир ривоят».  
04.50 «Турмуш қоррағларидан». Телесернал.  
05.40-05.55 Тонги наволар.



- 6.55 Дастурлар оқиллаш.  
7.00 «ЯНГИ ТОН» аборот-қўнғилочар дастури.  
8.00 «Дарвин» боласи.  
8.10 «Марина, Яна ва кирол қасрини» сирғил. Фильм-эпик.  
8.25 «Андарлар хаваси».  
9.30 «Айро тақдирлар». Телесернал.  
10.00 «ДАВР».  
10.10 «Интэрфубон».  
10.40 «Чемпион силарга».  
11.00 «Канун». Телесернал.  
12.25 «Тошкент — 2007 йилда ислом маданияти пайтавти».  
13.00 «ДАВР».  
13.10 «Камолот» хабарлари.  
13.20 «Афсона ва ҳақиқат» илмий-маърифий дастури.  
13.45 «Товир ва таасурот». Исаак Левинсон.  
14.00 «Ашқомин уй». Телесернал.

- 14.40 «Сиз билган ва билмаган Молдавия». 1-қисм.  
15.00 «ЯНГИ КУН» аборот-қўнғилочар дастури.  
15.50 «Ешлук» бу».  
15.55 «Ўзбекистон вақти».  
16.00 «ДАВР».  
16.10 «Паро». Телесернал.  
17.00 «Муҳажират дунё». Илмий-маърифий оқиллаш.  
17.50 «Истиқбол тилчилари».  
18.00 «Дарвин» боласи».  
18.10 «Кўнук дўбобилар». Мультипликация.  
- 14.20 Эсон альбом.
- 14.25 «Онам ва одам» дастури: «Патавон» жанр тўри».
- 15.15 «Онараб».
- 16.00 2007 йил - Иштироки умумий йили «Эъза».
- 16.20 «Мешр қўда». Хатларга шарҳ.
- 16.40 «Самарандан бирик».
- 17.00 «Айборт».
- 17.15 «Отини мерос».
- 17.20 «Саломатлик дастури».
- «Болалар сайраси»: 17.40
- «Фотаклар — шиклики етаклар».
- 17.55 «Мияг бир ривоят».
- 18.00 «Турмуш чоррақаларида» Теле-сернал.
- 18.50 «Хидоят сарин».
- 19.10 «Санглар оғушида».
- 19.20 «Сизнинг аждоғингиз».
- 19.35, 20.25, 21.30 «ЭУПЛАР».
- 19.30 «Айборт» (рус тилида)
- 20.05 «ТВ шифорс».
- 20.10 «Анак влогон» Телесернал.
- 20.50 «Мияг бир ривоят».
- 21.00 «Айборт».
- 21.40 «Мияг наволар».
- 22.00 «Кунли рилтаси». Телесернал.
- 23.00 «Жўмишан, муҳаббат» (SMS. Овез бериш)
- 23.10 «Шерлок Холмс ва Доктор Ватсон» Телесернал.
- 23.45-23.55 Тўнж наволар.
- «Uzbekistan».
- 23.55 Курсатувлар дастури.
- 24.00 «Ортин буйлаб» дастури: «Фаёз-тепа».
- 00.25 «Етти ғўзал». Репр-спектакль.
- 01.00 «Айборт». Информацион дастур (рус)
- 01.30 «Отини мерос».
- 01.35 «Янги кун». Информацион дам олами дастури.
- 02.25 «Янги дил достон». Бадий фильм.
- 04.00 «Айборт». Информацион дастур.
- 04.35 «Отини мерос».
- 04.45 «Мияг бир ривоят».
- 04.50 «Турмуш чоррақаларида» Теле-сернал.
- 05.40-05.55 Тонти наволар.



- 6.55 Дастурнинг очилмаси
- 7.00 «ЯНГИ ТОН» ахборот-кўнгличлар дастури.
- 8.00 «Дарвин боласи».
- 8.10 «Отини мерос». Фильм-эпик.
- 8.25 «Аксодлар ҳазинаси».
- 9.30 «Айро тақдирлар» Телесернал.
- 10.00 «ДАВР».
- 10.10 «Интерфутбол».
- 11.40 «SMS-муסיка». Еш икочриллар танлови».
- 12.00 «Жокув». Телесернал.
- 12.55 «Тошкент — 2007 йилда ислом мейданини пойтахти».
- 13.00 «ДАВР».
- 13.10 «Мурувват».
- 13.25 «Афсона ва ҳақиқат» илмий-маърифий дастури.
- 13.45 «Тасови ва тасвурот». Микеланжело.

- 14.00 «Ишқили уми». Телесернал.
- 14.40 «Паровоз кучи».
- 15.00 «ЯНГИ КҮН» ахборот-кўнгличлар дастури.
- 15.50 «Ешлик — бу».
- 15.55 «Ўзбекистон вақти».
- 16.00 «ДАВР».
- 16.10 «Паро» Телесернал.
- 17.00 «Муъизийвий дун». Илмий-маърифий сериал.
- 17.50 «Солик хизмати хабарлари».
- 18.00 «Дарвин боласи».
- 18.10 «Кўнук добогалар». Мультсернал.
- 18.55 «Телефутбол».
- 18.20 «Болалар табасуми».
- 18.25 «Yoshlar» анкетаси.
- 18.30 «Ешлик наволар».
- 18.50 «Бу азия Ватан — барчамизнинг».
- 18.55 «Телефутбол».
- 19.00 «ДАВР».
- 19.30 «Айро тақдирлар». Телесернал.
- 20.05 «Муслик гала».
- 20.10 «СТОРТЛОГЛО» телелотерейси.
- 20.20 «SMS-муסיка». Еш икочриллар танлови».
- 20.40 «Ешлик — бу».
- 20.45 «Эшонлар».
- 20.50 «Ишқили уми». Телесернал.
- 21.35 «Иборати умр».
- 21.55 Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15 йиллигига «Кўмуслик».
- 22.00 «ДАВР».
- 22.30 «Мулоқ мулоқ».
- 22.50 «Какув». Телесернал.
- 23.50 — 23.55 «Тасови».

**ТОШКЕНТ**

- 7.30 «Салом, Тошкент!»
- 8.35 «Камил». Телесернал.
- 9.25 Телемуер: «Маркет».
- 9.25 ТВ юрсти».
- 9.35 «Биласми?».
- 9.40 «Мувиа SMS».
- 10.15 «Йиларим».
- 10.15 Мультифильм «Братец медвежонок 1».
- 11.35 «Интервью» /рус/.
- 11.45 «Турим қаида» /рус/.
- 12.15 «Иштико рева» /рус/.
- 12.25 «ТВ юрсти» /рус/.
- 12.35 — 14.25 Кенж — Сладкий ноябрь».
- 17.55 «Фабрика» /рус/.
- 18.05 «Телемуер — маркет».
- 18.25 «Биласми?».
- 18.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
- 18.50 «Камил». Телесернал.
- 19.20 «ТВ юрсти».
- 19.25 «Муица SMS».
- 19.50 «Саломат буйлаб».
- 20.00 «Пойтахт» ахборот дастури /рус/.
- 20.15 «ТВ юрсти» /рус/.
- 20.20 «Мисс Марлин» Телесернал.
- 20.50 «Репортер» /рус/.
- 21.00 «Жокиба».
- 21.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
- 21.45 «Йиларим».
- 21.50 «Телемуер — маркет».
- 22.10 «Милларат фидоилчиди».
- 22.30 «Пойтахт» ахборот дастури /рус/.
- 22.45 «Кино SMS со звездами».
- 22.50 — 00.35 Кино: «Гол 2. Жизнь как мечта». Премьера.

**SPORT**

- 7.00 «Бодоро утро».
- 8.00 «Хабарлар» (рус тилида)
- 8.20 «Мультифильм».
- 8.30 «Детектив».
- 9.00 «Хабарлар» (узб тилида)
- 9.20 Док. фильм.
- 9.30 «Мазахов +».
- 10.30 Гандбол. Ўзбекистон чемпионати. 1/4 финал.
- 11.10 Футурисе дависа. Гран-при.
- 12.10 — 12.45 Германия чемпионати шарафи.
- 15.30 Футбол. Ўзбекистон чемпионати «Локомотив»-«Вобкент».
- 17.20 «Ким нимага қариди?».
- 17.40 «Милларат».
- 18.00 «Болалар спорт».
- 18.15 «Ералаш».
- 18.30 «Хабарлар» (рус тилида)
- 18.50 «Ойлаш сари йул».
- 19.05 «Танков» Танков». Сериал.
- 19.55 «Поле чудес».
- 21.00 «Спорт салтанати».

- 21.30 «Хабарлар» (узб тилида)
- 21.50 «Алтира слушав».
- 22.35 «Ледневый период».
- 00.55 «Тунгиз осида бўлини».

**БИРИНЧИ**

- 5.00 ТЕЛЕКАНАЛ «ДОБРОЕ УТРО».
- 9.00, 12.00, 15.00 НОВОСТИ
- 9.05 ТЕЛЕКАНАЛ «ДОБРОЕ УТРО».
- ПРОДОЛЖЕНИЕ
- 9.30 «МАЛАХОВ +».
- 10.30 «КОСМОСНАЯ ЗАЮПКА».
- 11.00 «АГЕНТ НАЦИОНАЛЬНАЯ БЕЗОПАСНОСТИ». Т.С.
- 12.15 «МОДНЫЙ ПРИГОВОР».
- 13.25 «ДЕТЕКТИВ».
- 14.00 ДРУГИЕ НОВОСТИ
- 14.25 «ФАБРИКА ЗВЕЗД ДОМА».
- 15.15 «ПОНЯТЬ. ПРОСТИТЬ».
- 15.50 «ЛОЛITA БЕЗ КОМПЛЕКСОВ».
- 16.55 «ФЕДЕРАЛЬНЫЙ СУДЬЯ».
- 18.00 ВЕЧЕРНИЕ НОВОСТИ (С СУБТИТРАМИ)
- 18.15 «КТО-ТО ГОВОРИТ».
- 19.00 «ТАТЬЯНА ДЕНЬ». Т.С.
- 19.55 «ПОЛЕ ЧУДЕС».
- 21.00,3.00 ВРЕМЯ ВРЕМЯ
- 21.25 КОНЦЕРТ СОФИИ РОТАРУ
- 0.10 ТРИЛЛЕР «РОКОВАЯ ЖЕНЩИНА».
- 2.10, 3.25 КОМЕДИЯ «ГОРОДСКИЕ ПИЖОНЫ II».

**РОССИЯ**

- 04.00 «ДОБРОЕ УТРО, РОССИЯ».
- 10.00 «МОИ СЕРЕБРЯНЫЙ ШАР, ИРИНА ПЕЧЕРНИКОВА».
- 07.55 «МУСУЛЬМАНЫ».
- 08.05 Т.С. «ТАЙНЫ СЛЕДСТВИЯ».
- 09.05 Т.С. «ДЕРЖИ МЕНЯ КРЕПЧЕ».
- 10.00, 13.00, 16.00, 19.00 «ВЕСТИ».
- 10.30, 12.40, 18.40 «МЕСТНОЕ ВРЕМЯ».
- 10.30 «СУДИТЬ».
- 10.50 Т.С. «ТАИНСТВЕННЫЙ ОСТРОВ».
- 11.15 Х.Ф. «ДЕТИ КА ДЕТИ».
- 13.10 Т.С. «СВОИ КОМАНДА».
- 13.40 Т.С. «МАМЕКА».
- 14.30 «СУДИТЬ».
- 15.30 «КОУЛГАН И ПАРТНЕРЫ».
- 16.20 «МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ - МОСКОВСКАЯ ОБЛАСТЬ».
- 16.40 Т.С. «АНГЕЛ-ХРАНИТЕЛЬ».
- 17.40 Т.С. «ТАЙНЫ СЛЕДСТВИЯ».
- 19.45 «СПОКОЙНОЙ НОЧИ, МАЛЫШ».
- 19.55 «НОРМАЛА-2007».
- 22.30 Х.Ф. «ШЕСТ НЕБА».
- 10.00 Х.Ф. «ДОКТОР ЖИВАГО».
- 04.00 «ДОРОЖНЫЙ ПАТРУЛЬ».

**НТВ**

- 05.00 «СЕГОДНЯ УТРОМ».
- 08.05 «НАШЕ ВСЕ».
- 09.00, 12.00, 15.00, 18.00 «СЕГОДНЯ».
- 09.25 «ЛИХИЕ 90-Е».
- 09.55 Т.С. «БРАЧЕННАЯ ТАЙНА».
- 12.25 Т.С. «ЧАС ВОЛКОВА».
- 18.40 «СЛЕДСТВИЕ ВЕЛИ...».
- 19.35 «ЧРЕЗВЫЧАЙНОЕ ПРОИСШЕСТВИЕ РАССЛЕДОВАНИЕ».
- 19.55 «ТЫ — СУПЕРСТАР».
- 21.55 БОЕВИК «МИСТЕР И МИССИС СМИТ».
- 00.05 Х.Ф. «О ШИМДТЕ».
- 03.20 Т.С. «ДЕТЕКТИВ РАШ-3».
- 17.30 «ЧРЕЗВЫЧАЙНОЕ ПРОИСШЕСТВИЕ ОБЗОР».
- 18.40 «СЛЕДСТВИЕ ВЕЛИ...».
- 19.35 «ЧРЕЗВЫЧАЙНОЕ ПРОИСШЕСТВИЕ РАССЛЕДОВАНИЕ».
- 19.55 «ТЫ — СУПЕРСТАР».
- 21.55 БОЕВИК «МИСТЕР И МИССИС СМИТ».
- 00.05 Х.Ф. «О ШИМДТЕ».
- 03.20 Т.С. «ДЕТЕКТИВ РАШ-3».

**КУЛЬТУРА**

- 05.30 КАНАЛ «ЕВРОНОВС».
- 09.00 НОВОСТИ КУЛЬТУРЫ».
- 09.20 ПРОГРАММА ПЕРЕДАЧ
- 09.30 Х.Ф. «ШКОЛА ЗЛОСЛОВИЯ».
- 12.20 «ПЯТОЕ ИЗМЕРЕНИЕ».
- 12.50 ТЕЛЕСПЕКТАКЛЬ «СЛУЧАЙ С ДОКТОРОМ ЛЕКХИЯНИ».
- 13.40 «ЖИЛ НА СВЕТЕ МАРШАК САММИЛ».
- 14.20 «ЖИВОЕ ДЕРЕВО РЕМЕСЕЛ».
- 14.30 Д.Ф. «КРУТЫЕ ДОРОГИ ДМИТРИЯ ЛИБАНЕВА».
- 15.00 «ШЕЛКУЩИК». 2 ТУР.
- 15.40 Д.С. «НУДСКА ПОГОДЫ».
- «МУС».

- СОНЫ».
- 15.45 Т.С. «НОВЫЕ ПРИКЛЮЧЕНИЯ ЛЕССИ».
- 16.05 Д.С. «НЕТРОНУТАЯ ПРИРОДА».
- «ЦАРСТВО ЛОШАДЕЙ».
- 16.20 ТЕЛЕВИТОРИНА «ЗА СЕМЬЮ ПЕЧАТЯМИ».
- 17.00 «РАЗНОЧТЕНАЯ ХРОНИКА ЛИТЕРАТУРНОЙ ЖИЗНИ».
- 17.30 Д. СТОКТАВИЧ. КОНЦЕРТ № 1 ДЛЯ ФОРТЕПИАНО О СРЕКТОРНОМ.
- 18.00 Д.Ф. «БОМА РАДИ МИРА».
- 22.30 «НОВОСТИ КУЛЬТУРЫ».
- 18.55 «СВОИ ВЗГЛЯД».
- 19.10 «СФЕРЫ».
- 19.55 Х.Ф. «ТАРТУОТ».
- 21.35 «ЛИНИЯ ЖИЗНИ». Т. ГУЗРРА
- 22.30 «НОВОСТИ КУЛЬТУРЫ».
- 22.55 Х.Ф. «МОЯ АМЕРИКАНСКИЙ ДЯДОШКА».
- 00.55 «8 ТАНЦЕВАЛЬНЫХ РИТМАХ».
- 01.10 «СФЕРЫ».
- 01.50 Д.Ф. «МАСАДА. ИСТОРИЯ ВЫЖИВАНИЯ».

**СТС**

- 07.00 Т.С. «ЛИЗИИ МАГАУЕР».
- 07.45 М.Ф. «ГИРЛЯНДА ИЗ МАЛЫШЕЙ».
- 07.55 М.С. «СМЕШАРИКИ».
- 08.00, 18.00 Т.С. «МОЯ ПРЕКРАСНАЯ НЯНЯ».
- 08.30, 20.00 Т.С. «ПАПИНЫ ДОЧКИ».
- 09.00, 21.00 Т.С. «КАДЕТСТВО».
- 10.00, 20.00 Т.С. ИСТОРИЯ В ДЕТАЛЯХ.
- 10.30 Х.Ф. «ВОРОН. СПАСЕНИЕ».
- 12.30 Т.С. «БЕЗМОЛВНЫЙ СВИДЕТЕЛЬ».
- 13.30 Т.С. «ВСЕ СМЕШАЛОСЬ В ДОМЕ».
- 14.30 М.С.
- 16.30 М.С. «ЧАРОДЕЙКИ».
- 17.00 Т.С. «ДЮЖИН ДОМА».
- 17.30 Т.С. «АЛИЛЕО».
- 19.00 Т.С. «ТАЙНЫ СМОЛВИЛЯ».
- 22.00 Х.Ф. «ТАКСИ 4».
- 22.50 Б. КАДВЕР».
- 00.00 «ЗВОНКО».
- 01.00 Х.Ф. «БУДЬ КРУЧЕ».
- 05.10 Х.Ф. «БАГИ».
- 05.30 Х.Ф. «ЯВ».

**ТВЗ**

- 07.00 ПОБЕДОНОСНЫЙ ГОЛОС.
- 07.30, 09.30 М.Ф.
- 08.15 М.С.
- 10.00 МЕДИЦИНСКОЕ ОБЗОРИЕ.
- 10.15 СВЕТ И ТЬМА
- 10.30, 19.00 РЕШЕТЫ СУДЬБЫ.
- 11.30, 16.30 «УПС».
- 12.30, 16.00 УСЕТЬ ЗА 23 МИНУТЫ».
- 13.00, 18.00 Т.С. «ЗВЕЗДНЫЕ ВРАТА».
- 14.00, 21.00 ТАЙНЫ».
- 15.00, 20.00 Т.С. «ГОВОРЯЩАЯ С ПРИЗРАКАМИ».
- 17.30 Т.С. «МУРАШКИ».
- 22.00 Х.Ф. «ПОСЛЕДНИЙ ЗАКОЛ».
- 01.00, 20.30 Т.С. «БАЙКИ ИЗ СКЛЕПА».
- 00.30 Х.Ф. «ОСАДА ПРИШЕЛЫШЕВ».

**НТНТ**

- 04.45 Т.С. «ЛЮБОВЬ И ТАЙНЫ САН-СЕТ БИЧ».
- 05.30, 12.30, 18.00 ТАКСИ.
- 05.55 «ЛОБАЗНЫЕ НОВОСТИ».
- 06.00 УТРО
- 09.00, 17.00 Т.С. «СЧАСТЛИВЫ ВМЕСТЕ».
- 10.00 М.Ф.
- 13.00 «КУЛИНАРНЫЙ ДОЗОР».
- 13.30 Т.С. «САША+МАША».
- 14.00, 20.00, 00.05, 45 «ДОМ».
- 15.00 КОМЕДИЯ «ПРИЗРАК В ЗАКОНЕ».
- 18.30 МОСКВА. ИНСТРУКЦИЯ ПО ПРИМЕНЕНИЮ.
- 19.00 «ИНТУИЦИЯ».
- 21.30 «КОМЕДИ КЛАБ».
- 22.00 «НАША RUSSIA».
- 22.25 «СМЕХ БЕЗ ПРАВИЛ».
- 00.40 «НЕОБЪЯСНИМО, НО ФАКТ».
- 01.35 КОМЕДИЯ «КОМАНДА МЕЧТЫ».

## ● JAHON POCHTASI

### ЭКСПРЕСС-ЭЛТИШ ВА ЛОГИСТИКА:

Энг йирик халқаро операторлар фаолиятига назар



**TNT N.V. Нидерландия почта хизмати бўлинмаси ҳисобланади. У дунёнинг турли бурчакларидаги мижозларга почта жўнатмалари ва юкларни етказиб бериш бўйича кенг йўналишда хизматлар кўрсатади. Компания вакиллари ишонч билан таъкидлашадики, B2B хизматлар (business-to-business) соҳасида айнан улар жаҳонда етакчидирлар.**

## TNT EXPRESS КОМПАНИЯСИ



Компания номи унинг асосчиси — австралиялик Кен Томас номи билан бошланади.


У 1946 йили ташкил этилган курьерлик компанияси номини орадан 12 йил ўтиб TNT (Thomas Nationwide Transport — Томас. Умумий ташувлар) дея ўзгартирди. Шундан буён компания эгалари кўп бора ўзгарди, Европада кириб келди, дунёдаги қатор компанияларни ўз таркибига қўшиб олди, аммо номи ўзгармасдан қолаверди. 1993 йили компания Филиппин, Индонезия, Сингапур, Гонконг, Тайван ва Жанубий Кореяда ўз хизматларини йўлга қўйди. Компания Нидерландия почтасига қўшилганидан сўнг бу каби кенгайишлар янада жонланди. 1998 йили компания ўз ҳаво флотини ташкил этди, Европада биринчи бўлиб юкларни он-лайн тартибда назорат қилиш тизимини жорий қилди. 2005 йилнинг 16 октябрида Royal TPG Post (Нидерландия почтаси) расман ўз номини TNT Postra ўзгартирди. 2006 йилда TNT ўз мамлакатлари экспресс-элитив хизматлари бозорига етакчи ҳисобланган Noau Group (Хитой) ҳамда ARC India Limited (Ҳиндистон) компанияларини сотиб олиш ҳисобига янада кенгайди. Бугунги кунда TNT глобал тармоғи жаҳоннинг деярли барча мамлакатларида фаолият юритувчи бўлинмаларни ўзaro боғлаб турибди.

Европада экспресс-ташувлар соҳасида ҳам, шубҳасиз, пешқадам бўлган мазкур ташкилот бошқа мамлакатлардаги фаолиятини кенгайтиришга катта эътибор қаратяпти. "Кучли тўрлик" орасида TNT Express Европада энг кенг тармоққа эгалиги билан алоҳида ажралиб туради. 2006 йили TNT тармоғига Брно (Чехия) ва Виго (Испания)да очилган бўлимлар, шунингдек, Санкт-Петербург, Люблина ва Загребдаги терминаллар қўшилди. Мадрид ва Касабланка (Марокко)ни боғловчи янги йўл коммуникацияси қурилиши ниҳояланиши билан TNT компанияси почтани Европадан Африкага автомобилларда ташини биринчи бўлиб йўлга қўйди.

TNT стратегияси кескин ўсишга қаратилган. Шу мақсадда компания жаҳоннинг экспресс-операторларини ўз таркибига қўшиб олиш ва турли мамлакатлар инфратузилмаларига сармоя киритиш сисъатини жадал юргизяпти. Масалан, 2007 йилнинг бошида TNT Бразилия экспресс-элитив бозори карвонбошичи — Expresso Mercio S. A. акцияларини тўлиқ сотиб олишга эришди. Бу харид компаниянинг Жанубий Америкадаги йўл тармоғини келгусида ривожлантиришда муҳим омил ҳисобланади. 2006 йили асосий эътибор Осие бозорига қаратилди. Хитой, Ҳиндистон, Жануби-Шарқий Осие ва Яқин Шарқда TNT тармоқларини қуришни юқори суръатларда давом эттирди. Ҳозирда TNT Express почтани Европадан Хитойга тўғридан-тўғри етказмоқда.

### Шаклланиш тарихи

Нидерландия миллий почта хизматидан фарқли ўларок, TNT узоқ тарихга эга эмас. Шунга қарамай, қисқа давр ичида компания томонидан асрларга татигулик ишлар амалга оширилди. Бу биринчи навбатда, фаолият доирасининг ўсганлиги ва кенгайганлигида намоён бўлади.



### Ҳар соҳада

Экспресс-элитив соҳасида TNT куйдаги хизматларни кўрсатади:

- 9:00 Express — жаҳоннинг йирик шаҳарларига келгуси иш куни эрталаб 9:00га қадар ҳужжатларни кафолатли етказиш;
- 12:00 Express — жаҳоннинг йирик шаҳарларига келгуси иш куни кундузги 12:00га қадар ҳужжатларни кафолатли етказиш;
- Global Express — дунёнинг 200дан ортиқ мамлакатига ҳужжатлар, жўнатма ва юкларни тезкор етказиш;
- Economy Express — жаҳон бўйлаб юкларни имтиёзли нархларда элиб бериш, бунда тезкорлик, сифат ва тарифларнинг қулайлиги ўзаро уйғунлашган;
- Special Service — ҳар бир буортмачи учун тадбирлар маҳсус ишлаб чиқилади: бу жараён почта топширилган куни тезкор етказуви ташкил этишдан тортиб, маҳсус логистика ечимларини тақдим этишгача бўлган ишларни ўз ичига олади.

### Эътироф

TNT Express барча соҳаларда етакчиликлари интилимда. Хизматлар сифати, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасида қатор халқаро мукофотларни қўлга киритган мазкур компаниянинг веб-сайти ҳам почта операторлари сайтлари орасида энг яхшилардан саналади. 2006 йили компания веб-сайти қаторасига учинчи бор бу соҳада Европада биринчи деб топилди.

2005 йили TNT Express Хитойда энг яхши иш берувчи дея тан олинди. Компаниянинг ҳужжатларни тезкор етказиш хизмати сифатини Financial Times, тўрт йилдирки, Европада энг юқори дея эътироф этиб келмоқда.

(Давоми бор.)

## ● ALOQA OLAMIDA

### МОБИЛ ПУЛ ЎТКАЗМАЛАРИ

Мобил телефонлар пул ўтказишнинг энг оддий ва арзон воситасига айланиб борапти.

Яқинда жаҳон пул ўтказмалар бозори етакчилиридан бири — Western Union компанияси 700дан зиёд операторларни бирлаштирган GSM ассоциацияси билан бу борада битим имзолади. Мазкур битим уяли алоқа операторлари ва Western Union томонидан фойдаланувчиларга "мобил ҳамён" ("mobile wallet") технологияси асосида мобил банкинг хизмати туркумидаги барча хизматларни кўрсатиш имконини беради.



Келишув доирасидаги пилот лойиҳа 2008 йилнинг иккинчи чорагидан ишга тушади. Унда 100га яқин мамлакатда 800 миллиондан зиёд абонентга эга 35 оператор қатнашиш истагини билдирган.

### ЯНГИ РЕКОРД

Western Digital компанияси Токиода ўтган Перпендикуляр магнит ёзувлар технологиялари бўйича анжуманда магнит дискларда маълумотларни сақлаш зичлиги бўйича янги рекорд натижа қайд этилганини маълум қилган.



Айни пайтда анъанавий компютерларнинг энг сиғимдор винчестерлари 1 терабайтгача маълумотни сақлай олади. Бунда маълумотларни сақлаш зичлиги 200 Гбит/дюйм<sup>2</sup> гача етди. Масалан, ноутбукларда қўлланилувчи WD Scorpio қаттиқ диски (2,5 дюйм/250 Гб) ана шундай хусусиятга эга.

Western Digital рекорди 520 Гбит/дюйм<sup>2</sup>ни ташкил этган. Компания вакиллари сўзларига қараганда, бу натижа винчестерлар ишлаб чиқариш бўйича технологияларни ривожлантириш борасидаги беш йиллик сармоя ва меҳнатлар самарасидир.

Янгилик яқин келгусида 3 Тбгача сиғимга эга, диаметри 3,5 дюймлик қаттиқ дисклар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш имконини беради.

### АУДИОФИРИБГАРЛИК

"Касперский лабораторияси" MP3 форматдаги аудио-файллар реклама эълони вазифасини ўтаган спамер хабарларнинг оммавий тарқалишини илк бор рўйхатга олган.

"Лаборатория" аниқлаган хат намуналари stock-спам тоифасига мансуб, яъни уларнинг воситасида фирибгарлар қандайдир компаниялар акциялари баҳоларини кўтаришга уриниб қуришган. Одатда акциялар баҳоси керакли даражага етиши билан мўмай даромадани олиб бўлган фирибгарлар улардан воз кечишган.


Қайд этилган хабарларда ҳеч қандай матн йўқ. Масалан, уларнинг бирида MP3-файл орқали фойдаланувчига Exit Only Inc. компанияси акцияларини сотиб олишга чорловчи аёл кишининг овози эшитилган.

### WiMAX — СОҲА СТАНДАРТИ

Халқаро электралоқа иттифоқи WiMAXни соҳа стандарти сифатида тасдиқлади.

WiMAXнинг соҳа стандарти сифатида тан олинishi унинг дунё миқёсида ривожига кенг йўл очди. Жумладан, зарур радиочастоталарни тақсимлаш жараёни бирмунча осонлашди.

Эслатиб ўтиш ўринлики, WiMAX тармоқлари анъанавий кабел коммуникацияларини ўтказиш мушкуллик туғдирувчи ва серхаражат бўлган ривожланаётган мамлакатларда кўпроқ оммалашган.



**Андижон радиотелевизион узатиш маркази республикамизнинг Фарғона водийсида жойлашган учта – Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларининг барча ҳудудларига телерадиодастурларни етказиб беришдек улкан вазифани бажариб келмоқда. Радиоалоқа ускуналари илк бор 1920 йилда водийнинг маъмурий маркази – Фарғона шахрида ўрнатилди ва шу ускуна орқали Фарғона ҳамда Тошкент шаҳарлари ўртасида радиоалоқа ташкил қилинди. 1928 йилга бориб Кўкон шахрида 15та қабул қилиш ускунаси ишга туширилди.**

1959 йилда мутахассислар радиохаваскорлар билан биргаликда изланиш ишлари олиб боришди ва "Советский" (Қирғизистон ҳудудида) аҳоли масканда пойтахтдаги радиотелевизион станциядан (РТС) сигнални қабул қилиш имконияти бор майдонча аниқлашди. Ушбу майдончада вақтинчалик бино ва мачта қурилди ҳамда ТРСО-56 русумли қабул қиливчи-узатувчи ускуна ва антенналар ўрнатилиб, илк бор Андижон шаҳри ва chegarдош ҳудудларга телерадиодастурлар тарқатилди бошланди. Бажарилган машаққатли ишлардан сўнг телевидение дастурлари Андижон, Наманган, Фарғона ва қисман Ўш (Қирғизистон ҳудудида) вилоятлари аҳолисига тарқатилди бошланди.

**М**аҳаллий телерадиодастурларни узатишни ташкил этиш учун Андижон РТСда "Маркони" фирмасида (Буюк Британия) ишлаб чиқарилган кўчма телевизион станция ўрнатилди. Бу ускуна орқали ахборот, таълим берувчи ва кўнгилчор телекўрсатувлар, графика биоан (Тошкентдан келувчи ТВ сигнал сифати ўлмаган вақтларда) ёки тўғридан-тўғри эфирга узатилади.

1960 йили Андижон РТСда вақтинчалик ўрнатилган мачтанинг ўрнига баландлиги 180 метрли оммовий андозали телевизион минара ўрнатилди. 1962-1963 йилларда Андижон РТС майдончасида кўшимча равишда муҳандислик ва маъмурий коммуникацияларга эга икки қаватли техник бино қурилди. 60-йилларнинг охирига келиб, Тошкент-Андижон радиореле линиясининг давоми сифатида Андижон-Фарғона-Кўкон-Яйпан радиореле линияси қурилди. Натижада Фарғона водийси ва Ўш вилоятининг 80 фоиздан ортиқроқ ҳудудида телерадиодастурларни сифатли узатиш имконияти яратилди.

Радиоалоқа, радиозашитириш ва телевидение Фарғона водийси вилоятларида ривожлан-

дижондан келган мутахассислар РРСнинг ГТТ-6, иккита 20 киловаттли ва битта 5 киловаттли телевизион узатгичлари ҳамда УКВ ЧМ "Дождь-2" радиозатгичларини ўрнатишга киришилди. 1989 йилнинг охирига келиб, барча қурилиш-монтаж ва энерготаминот тизими, радиотелевизион, радиореле ускуналари ҳамда антенна-фидер мосламаларини сошлаш ишлари якунланди. Телерадиозашитиришлар сифатини текшириш ва тажриба эшиттиришлар ўтказилгандан

телевизион ва тўртта УКВ ЧМ радиодастурлар билан қамраш микдори 100 фоизга етказилди, Наманган ва Фарғона вилоятларида бу кўрсаткич 97-98 фоизни ташкил этади. Аҳолини учинчи телевизион дастур билан қамраш Андижон вилояти бўйича 100 фоизга, Наманган ва Фарғона вилоятлари бўйича эса тахминан 40 фоизга етказилди.

Наманган вилоятининг шимол-ғарбий ҳудудларида телерадиозашитиришлар сигналларини қабул қилиш сифатини яхшилаш

қилинди. Мазкур қарорни бажариш мақсадида Андижон РТУМ жамоаси мутахассислари ҳаракатлари билан узокда жойлашган, телерадиодастурларни қабул қилиш даражаси талабларга жавоб бермайдиган ёки бундай имконияти умуман бўлмаган кичик аҳоли масканларини аниқлаш ишлари ташкил этилди. Бу ишлар натижаларига қараб тегишли лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилди. Режалаштирилган ишларни бугун республика бўйича амалга ошириш учун Хитой Халқ Республикаси билан лойиҳани имтиёзли равишда солилаштириш ҳақида шартнома тузилди.

Шартномага биоан, Фарғона водийсида 31та телевизион ва FM радио узатгичлар ўрнатилди ҳамда ишга туширилди. Жумладан, Андижон вилоятида – битта 10 ваттли, Наманган вилоятида – ўн учта 10 ваттли ва тўртта 100 ваттли, Фарғона вилоятида – олти 10 ваттли, учта 100 ваттли ҳамда иккита 1000 ваттли телеузатгичлар, Андижон вилоятида – битта 10 ваттли, Наманган вилоятида – ўн тўртта 10 ваттли, учта 100 ваттли ва Фарғона вилоятида – етти 10 ваттли, олти 100 ваттли FM радиоузатгичлар ўрнатилди. 2007 йилнинг ўртасига келиб, қурилиш-монтаж ва сошлаш ишлари якунланди. Натижада республиканинг барча ҳудуди каби, Фарғона водийси ҳам "Ўзбекистон" телерадиодастурлари билан 100 фоиз қамраб олинди.

**Ф**арғона водийсида телерадиозашитиришларнинг ривожланишига Тошкентдан келиб қатнашган мутахассислар билан бир қаторда водийлик В.Абдуллаев, М.Ахмедов, А.Қодиров, Т.Саидмаматов, Р.Ўзбеков, Р.Бисеров, Р.Ўрунов каби кўп сонли ходимлар ўз хиссасини қўшишган.

Мутахассисларнинг улкан меҳнатлари ватанимизнинг ва соҳамизнинг муносиб муқофотлари билан тақдирланиб келинган. Жумладан, Л.Розенцайф ва Ж.Ходжаевлар "Дўстлик" ордени билан муқофотланганлар. Л.Розенцайф, А.Комолкин, Р.Ўзбеков, Ф.Бурнашев ва А.Қодировлар соҳамизнинг "Моҳир алоқачи" фахрий унвони билан, Ж.Ходжаев ва О.Жумабековлар "Ўз касбининг устаси" белгиси билан тақдирланганлар.

**М.АТАМУҲАМЕДОВ,**  
Республика РРТМ бош директори,  
**А.РАҲИМОВ,**  
Андижон РТУМ бошлиғи

Суратда: Андижон РТС катта электро-механиги М. Қирғизов.

## Андижон радиотелевизион узатиш маркази

тириш ва амалдаги радиотелевизион объектларини эксплуатация қилишни ташкил этиш мақсадида 1963 йилнинг ноябр ойида Андижон радиореле магистралларини бошқариш ҳудудий бошқармаси (1978 йилдан Андижон радиотелевизион узатиш маркази) ташкил этилди.

70-йилларнинг охири ва 80-йилларнинг бошларида Андижон РТСда телевизион узатгичлар замонавийлаштирилди. Маънан эскирган "Якорь-5/1,5" ва "Игла-5/1,5" русумли телевизион узатгичлар ўрнига иккинчи авлод туркумидаги, электр энергиясини кам истеъмол қиладиган, бошқаришда содда ва рангли телевизион дастурларни сифатли узатиш қобилиятига эга АТРС/5/1 ва "Тесла" фирмасининг "Зона" русумли узатгичлари ўрнатилди. Республиканинг учинчи ва тўртинчи телерадиодастурларини узатишни ташкил этиш учун "Дождь-2" русумли УКВ ЧМ радиотелевизион узатгичнинг иккинчи мажмуи ўрнатилди. Шундан сўнг "Машъал" дастури стереофоник шаклда трансляция қилинди.

Республикада телерадиозашитиришларни ривожлантириш бош режасига биоан 1985-1989 йилларда катта қувватли бешта РТСни, жумладан, Фарғона вилоятининг жануби-ғарбида ва шимол-ғарбида яшовчи аҳолини сифатли телерадиозашитиришлар билан таъминлаш мақсадида, Данғара шаҳарчаси яқинида Кўкон РТСни қуриш мўлжалланган эди. 1988 йилнинг бошида, техник бинонинг қурилиши якунлангандан кейин, Тошкент ва Ан-

кейин Кўкон РТС ишга туширилди. Натижада 60-70 км. айланма масофадаги ҳудуд учта телевизион ва иккита радио дастурлари билан қамраб олинди.

Республика телевидениесининг учинчи дастурини тарқатишни ташкил этиш учун 1988 йилда Андижон РТСда яна битта "Зона-2" русумли узатгич ўрнатилди. Аммо узатгич антенна-фидер тизимини ўрнатиш учун минарада жой йўқ эди. Муаммони ҳал этиш учун иккита телевизион узатгични битта антенна-фидер тизимига улаш имкониятини берувчи мослама қўлланди. Узок аҳоли масканлари ва йирик шаҳарларни кўп дастурли телерадиозашитиришлар билан қамраш мақсадида 1991 йилда "Тесла" фирмасида ишлаб чиқилган, қуввати бир киловаттли яна битта узатгич Заркент РТСда ўрнатилди. Бу тадбир Наманган вилоятининг шимол-ғарбий қисмида яшовчи аҳолини телерадиодастурлар билан қамрашга имконият яратди.

1998 йилда катта қувватли Фарғона РТСда иккинчи телевизион дастурини узатиш учун "Тесла" фирмасининг дециметрли диапозонда ишлайдиган 4TV5GR русумли узатгичлари ўрнатилди.

XX асрнинг охириларида бажариш ишлари натижасида Андижон вилояти аҳолисини иккита

мақсадида 2005 йилда Чуст шаҳри яқинида иккита телевизион дастурни трансляциялашга мўлжалланган, баландлиги 74 метрли мачтага эга янги Чуст РТС қурилди.

2005 йилдан бошлаб Япония халқорик банкнинг имтиёзли кредити ҳисобига РТСларни қайта жиҳозлаш ишлари бошланди.

2006 йилнинг биринчи ярмида, Фарғона водийсида эски телевизион узатгичлар ўрнига NEC фирмасида (Япония) ишлаб чиқилган телевизион узатгичларнинг 9та мажмуаси, жумладан, Андижон ва Кўкон РТСларида иккита беш киловаттли, Чуст РТСда иккита бир киловаттли, Сўх РТСда битта 100 ваттли, Чодал РТСда иккита 100 ваттли телеузатгичлар ўрнатилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентини томонидан 2005 йилнинг сентябри ойида йўлдош алоқа тизими орқали телерадиозашитиришларни ташкиллаштириш лойиҳаси бўйича қарор қабул

эрилади. Эндиликда улар вилоятнинг кўпгина алоқа бўлимида хормай-толмай меҳнат қилишяпти.

Анвар Зайниддинов вилоят алоқа ишлаб чиқариш бошқармасида хизмат қилган кезлари жуда кўплаб ибратли ишларни амалга оширди. Жумладан, туман марказларида алоқа уйлари қуришда, бундан ташқари, Қарши шаҳри билан туманларни телефон алоқаси билан боғлаш учун Қарши-Шахрисабз, Қарши-Нишон, Қарши Миришкор, Қарши-Косон-Муборак йўналишларида шаҳарлараро кабеллар тортилиб, ишга туширилишида катта жонбозлик кўрсатди.

Албатта, бу ишлар ўз-ўзидан бўлгани йўқ. Тинимсиз меҳнат, изланиш, жонқурлик, кунни тунга улаб ишлаш натижасида шундай таҳсинга лойик ишлар

амалга оширилди. Масалан, Муборак тумани Қарши шаҳридан 90 километр узокликда жойлашган энг чекка туманлардан бири, бийдек чўл. Кум-тўзонли, ёзнинг жазирма офтобда ишлаш, кабел тортиш ўз-ўзидан амалга ошган эмас. Бунда, албатта, катта фидойилик, матонат ўз ақсини топган.

Ҳаётда, ишда қанчадан-қанча қийинчиликларга, муаммоларга дуч келади, киши. Булар олдида довдираб қолган ёки ўзини йўқотиб қўйганлар ҳеч қачон ҳаётда ўз ўрнини топа олмайдилар. Анвар ака бундай муаммоларга ҳам, табиатнинг инжиқликларига ҳам бардош берди. Ўзининг ҳаётдаги ўрнини, ҳаياتи олдидаги бурчини амалда намоён эта олди. Ва ўз ҳамкасбларига мурувват ва меҳр кўрсатиш фазилати, раҳбарлик, ташкилотчилик қобилияти ана шу даврларда шаклланди. Бу ишларни эса уни элга танитди. У бошқармага раҳбарлик қилган йиллари ўнлаб шогирдлари ўзи сингари ўз касбининг моҳир эгалари бўлиб етишдилар.

Анвар ака бугун орамазда йўқ. Бироқ шогирдлари, ҳамкасблари, фарзандлари унинг ишини давом эттиришяпти. Демак, Анвар Зайниддинов алоқачилар қалбида мангу яшайверади.

**Афтондил ИСМОИЛОВ,**  
«Хабар»нинг Қашқадарё вилоятидаги муҳбири

## ХОТИРА УYG'ONSA GO'ZALDIR

### Яхшилар мангу яшайди

Анвар Зайниддинов... Бу ном тилга олинган биланок қашқадарёлик алоқачилар қалбида ўзгача бир фахр, ғурур пайдо бўлиши, шубҳасиз. Боиси, умр бўйи алоқа соҳасини ривожлантириш учун елиб-югуриб ишлаган мутахассисни ким ҳам унутishi мумкин. Катта ҳаётий ва раҳбарлик тажрибасига эга бўлган Анвар ака Қашқадарё вилояти алоқа ишлаб чиқариш бошқармасини бир неча йиллар бошқарган. Қобилиятли, ташкилотчи раҳбар, ўз соҳасини яхши биладиган мутахассис, камтар ва самимий инсон эди.

Анвар ака 1940 йили Қашқадарё вилоятининг Китоб шаҳрида туғилган. У 1964 йилда Тошкент электротехника алоқа институтини радиоалоқа муҳандиси мутахассислиги бўйича битирди. Иш фаолиятини 1964 йили Шахрисабз алоқа тармоғида оддий муҳандисликдан бошлади. Кейинчалик катта муҳандис, бош муҳандис бўлиб ишлади. 1968-1971 йиллари вилоят алоқа ишлаб чиқариш бошқармасида бош муҳандис, 1971-1975 йиллари бошқарма бошлиғи, 1975-1978

йиллари «Целенстрой» трестида бошлиқ ўринбосари, «Қаршиқурилиш» трестига қарашли қурилиш ташкилоти бошлиғи ўринбосари, 1979-1987 йиллари эса вилоят алоқа ишлаб чиқариш бошқармаси бошлиғи вазифаларида фаолият кўрсатди. У раҳбарлик қилган алоқа бошқармасининг асосий вазифаси Қашқадарё вилоятини телефон алоқаси билан сифатли таъминлаш, почта хизматини оқори савияда ташкил этиш, билимдон кадрларни жалб этган ҳолда телефонлар тармоғини кўпайтириб, халққа муносиб хизмат қилишдан иборат эди.

1987 йилдан умрининг охиригача «Ўзбекнефтгазхолдинг» компаниясига қарашли Қашқадарё нефтьгаз алоқа бошқармаси бошлиғи вазифасида ишлади. Утган йиллар мобайнида алоқа соҳасида ўзига муносиб шогирдлар тай-



ратли ишларни амалга оширди. Жумладан, туман марказларида алоқа уйлари қуришда, бундан ташқари, Қарши шаҳри билан туманларни телефон алоқаси билан боғлаш учун Қарши-Шахрисабз, Қарши-Нишон, Қарши Миришкор, Қарши-Косон-Муборак йўналишларида шаҳарлараро кабеллар тортилиб, ишга туширилишида катта жонбозлик кўрсатди.

Албатта, бу ишлар ўз-ўзидан бўлгани йўқ. Тинимсиз меҳнат, изланиш, жонқурлик, кунни тунга улаб ишлаш натижасида шундай таҳсинга лойик ишлар

**Дилмурод**

Бу дунёда кимки саодатманд, сахий, олижаноб бўлса, эл-юрт ҳурматига сазовор бўлади.

## ALOQACHI O'YLARI

Начора, онам Уғлоной Курбонованинг умри қисқа экан. Энди ўн ёшга тўлганимда синглим Ойдўлон билан меҳрга зор бўлиб қолавердик. Бахтимизга Мардон акам Иккинчи жаҳон урушидан омон қайтгач, бизни уйига олиб кетди. Қишнинг изгирилли кунинда совуқда қўйналган синглим иссиқ кўрпага киргач, ухлаб қолди. Акам унга термулиб чуқур ух тортар экан, "Ҳеч ким онасидан эрта қолмасан эканда", дея бош чайкаб қўйди. Сўнгра аёлига юзланиб, "Буларни болаларингдан кам

тимни бошлашда асқотди. Вазифамни бажаришга киришганимда ўзимни худди улоқни оширишга шай турган чавандоздай ҳис қилдим. Синов муддатини Қорақирдаги "Собка" радиотелевидение узатиш станциясида ўтадим. Жарқўргон ва Ангор туманларининг марказий қўргонидан анча йироқда жойлашган манзилда ишлаш анча куч талаб этар эди. Шу зайлда беш йил ишладим. — Сен ишчан ва уddaбурон йигит экансан, — деди бир куни вилоят алоқа техника ишлаб чиқариш бошқармаси

## Таралганда Тонгги тарона...

кўрмай катта қилгин", деди. Янгам пиллага чой қуяркан, "Хотирингиз жам бўлсин дадаси, Ботирбой билан синглисига айтганингиздек қарайман", деди қатъий. Биз Мардон Муродов хонадонидан ҳеч кимдан кам бўлмай вояга етдик. Меҳнат қилишга, оқибатни қадрлашга ўргандик. Мактабни битирган чоғим ўқишимни давом эттирарман деган фикр хаёлимда ҳам йўқ эди. Лекин бир куни акам "Бирга ўсган биродарларингдан ортада қолсанг, сағирлигинг билинади, тезда тайёргарлигингни кўр, ўқишга борасан", деб қолди. Обдон ўйлаб кўргач, ўқишга бормасликка қарор қилдим. Акам менсиз қийналиб қолишдан чўчидим. Шундай қилиб, саккиз йил Толли қишлоғимизга яқин бўлган Миршоди нефт қонида ишладим. Аввал оддий пармаловчи, кейинчалик механиклик қилдим. Йўлланма билан Самарқандга бориб, малака ошириб ҳам қайтдим.

Ишларим, топиш-тутишим ёмон эмас эди, бироқ менга яқин бўлиб қолган радио техникасини ўрганиш иштиёқи оромимни олди. Тошкентга бориб ўқишга кириш мақсадим борлигини айтдим.

— Майли-ю, — деди акам, — янганг билан иккимиз эрта-индин совчиликка боришга ҳозирланиб турган эдик. Қачонгача бўйдоқ юрасан, ахир.

— Ака, Менгдона билан гапни бир жойга қўйганмиз, насиб қилиб ўқишга кирсам, тўй қилиш қочмайди.

— Ундай бўлса майли, омадингни берсин.

Шундай қилиб, Тошкент электротехника алоқа институтига имтиҳон топширдим. Лекин мандатда ўқишга киришим учун бир балл етмади. Ноилоҳ, қишлоғимга қайтдим, акам тўйга тайёргарликни бошлаб юборди. Шундай қувончли кунларимнинг бирида қишлоқ хабарчиси "Сизга Тошкентдан телеграмма бор", деб қолди. Телеграммани олиб ўқиб, қувончим ичимга сиғмай кетди. Унда ўқишга қабул қилинганлигим ва зудлик билан институт ректорига учрашим зарурлиги билдирилган эди. Пойтахтга қўшдек учдим. Менга ҳозирда Радиоалоқа, радиозшиттириш ва телевидение маркази бош директори бўлиб ишлаётган Муҳаммаднозим Атамуҳамедов, андижонлик Тожимат Холматов каби билимдон, иқтидорли дўстлар билан бирга таҳсил олиш насиб этди. Биз радиотелевидение мутахассислиги сирасорларини кўнуб билан ўргандик, келажакка катта ишонч билан боқардик. Беш йил ҳам оқар дарё каби ўтди. Диплом билан Сурхон воҳасига қайтдим.

Мактабдан сўнг қишлоқда қолиб чиққанним сеvimли соҳамдаги фаолия-



Бошлиғи Олимжон Эшонов. — Эртага Термизга бор, гаплашамиз.

Ушанда раҳбаримизга республика алоқа вазирининг биринчи ўринбосари Абдунаби Тоғалиев ҳамроҳ эди. Улар чор-атрофи бўм-бўш яйдоқ ердаги вагон уйда қишлаётган ва бурчини оқлаётган ходим меҳнатига қараб бир хулосага келган бўлса, ажаб эмас.

Олимжон ака мени ўзига қурилиш масалалари бўйича ўринбосар этиб тайинлади. Тез орада бошқармаимизга янги лойиҳа келди. Унда нафақат вилоятда, балки республикада энг баянда телеминора қуриш акс этган эди. Телеминора учун Учқизил қўргони танланди. Иш авж паллага кирганда мени алоқа механизациялашган кўчма жамланма раҳбарлигига ўтказишди. Ишга астойдил киришдим. Зарур жиҳозлар узок шаҳарлардан келтирилди. Учқизил телеминораси қурилиши етти йилда тугалланди. Минора ишга тушиши билан Сурхондарёда радиозшиттиришлар ва телекўрсатувлар сифати тубдан яхшиланди. Ўз навбатида, Жарқўргон ва Вахшивор станциялари қуввати ошди.

Истиқлол йилларида эса бу каби қулай имкониятлар қўлами кенгайди. Ана шу имконият туфайли мен, оддий бир қишлоқда туғилиб вояга етган мутахассис хорижий давлатларда ҳам бўлиш бахтига эришдим. Ҳамкасб дўстларим Ғайрат Қўшоқов ва Солижон Турсунов билан Хитойда бўлдик. Чет эллик ҳамкасбларимдан ити ўргандим ва уни ўз фаолиятимда татбиқ этдим.

Хур, озод ва обод Ватанимиз тонги радиотўлқинларда янграйдиган давлат мадҳиямиз ва миллий қўшиқлар билан отади. Қалбга ором бахш этадиган ёқимли тароналар таралганда, нафақат мафтункор юрт фарзанди бўлганим билан, балки элдошларимга шундай бебаҳо имкониятлардан баҳра олишларида озми-кўпми ҳиссам борлигидан фахрланаман.

**Ботир ҚУРБОНОВ,**  
меҳнат фахрийси

Суратда: Б.Қурбонов (ўнгдан биринчи).

## ALOQACHILAR IJODIDAN



Иброҳимжон АХМЕДОВ салкам қирқ йил Андижон вилояти махсус алоқа боғлама-сида меҳнат қилган. Бу алоқачининг қалби шеърятга ошуфта. Қатор тўртликлари бир неча бор "Хабар" саҳифаларида ҳам чоп этилган. Яқинда И.Аҳмедовнинг "Қалб нури" номли китоби босмадан чиқди. Ушбу илк китобига унинг умр бўйи ёзиб тўплаган тўртликларининг энг саралари жамланган. Қуйида мазкур китобчадан ўрин олган тўртликлардан эътиборингизга ҳавола қиламиз.

### "ҚАЛБ НУРИ"ДАН САТРАЛАР

Ёш ўтиб бормоқда, ўзим гафлатда,  
Ҳар босган қадамим, изим гафлатда.  
Қўрқаман ҳаётдан, бир куни келиб  
Ногоҳон юмилса кўзим гафлатда.

Билимсиз ҳаётнинг ўзи бўлмайди,  
Билимсизнинг гўё кўзи бўлмайди.  
Беҳисоб мол-дунё тўпларсан, аммо  
Ҳаётинг бемаза - тузи бўлмайди.

Кексаларга айла қараму шафқат,  
Оғирин енгил қил, бўл олийҳиммат.  
Кейин минг йил қидир, тополмагайсан,  
Тириклик чоғида босмасин гафлат.

Агар сен севмасанг қочади китоб,  
Севсанг ҳазиналар очади китоб.  
Зулматдан зиёга бошлаб сени у,  
Қалбингга нурини сочади китоб.

Баъзан битта сўз ҳам ўққа айланар,  
Орзу-ҳавасларинг йўққа айланар,  
Қалбингга бир умр изтироб солиб.  
Мангу ўчмайдитан чўққа айланар.

Ўйламай қилинган ҳар бир ишимиз,  
Синдиран оқибат бутун тишимиз.  
Ғишлар қолипидан кўчгандан кейин  
Сергак тортгусидир ақлу ҳушимиз.

Майлига, мақтовли ишинг бўлмасин,  
Олтиндан терилган ғиштинг бўлмасин.  
Қалбингга баҳорий муҳаббат бўлсин,  
Юрагингга совуқ қишинг бўлмасин.

Иброҳимжон АХМЕДОВ

### ХАБАРЧИ

Қаҳратон қиш-совуқда,  
Хат келтирган хабарчи.  
Жазирама иссиқда,  
Тер сидирган хабарчи.

Эл оралаб юрасан,  
Савоб ишлар қиласан.  
Нуронийлар учун сен,  
Доим хизмат қиласан.

Мухтожларга меҳрибон  
Тенг қараган хабарчи.  
Кўнгил овлаб муллоим,  
Хол сўраган хабарчи.

Ишларинг-ку, беҳисоб,  
Шундан обрў топасан.  
Хонадонма-хонадон,  
Янгилик тарқатасан.

Хабарчижон, хабарчи,  
Оёғинг дард кўрмасин.  
Келтирган хабарингга,  
Ҳеч ёмонлик бўлмасин.

Гулчеҳра ИСМОИЛОВА,  
"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ  
Сурхондарё филиали  
Музабот тумани почта алоқаси  
тармоғи муҳандиси

### Улуғлар ҳазинасидан

Ўқув қайда бўлса, улуғлик бўлар.  
Билим қайда бўлса, буюклик бўлар.

Юсуф Хос Ҳожиб

## SALOMATLIK

## ТОЗАЛАШ МАШҚЛАРИ

## КЎЗ

Кўзни тозалашнинг усуллари жуда кўп. Бунга турли машқлар уқалаш, ювишларни мисол сифатида келтириш мумкин. Куйдаги усулни бажариш унчалик қийинчилик туғдирмайди.

Дастлаб, чуқур нафас олиб, ушлаб турасиз. Оёқларни тиззадан букиб, ювиш тарихида атрофга йиғилиб қолган турли зарарли тикилмалару хилларни «ювиш» жараёни кечади.

Чуқур нафас олганимизда кислород билан тўйинган қон кўз ва бошга етиб боради. Шу тариқа кўз атрофига йиғилиб қолган турли зарарли тикилмалару хилларни «ювиш» жараёни кечади.



## ҚОН

Стаканга 60 гр. суг солиб, устидан қуюқ қилиб дамланган чой қуйилади. Қуришиб, тўйилган қоқи илдизини ҳам қўшиш мумкин.

Мазкур суюқлик кетма-кет бир неча кун ичилади. Аммо олти кундан ошиб кетмаслиги керак. Бошқа таомлардан воз кечиб туриш ҳам мумкин. Негаки, чой ва сутнинг калорияси юқори ҳисобланади. Эрталабдан кундузги соат учгача ичиладиган суюқликка озгина туз қўшинг. Соат кундузги учдан сўнг эса ичиладиган суюқликка (чай, сувга) таъбга қура шакар ёки асал қўшиш мумкин. Чиқайтган хилларни ювиб туриш учун қунора ҳуқна (қлизма) қилиб турилади.



## QANDOLATCHILIK SABOQLARI

## "САРЛА САНДЖАК" ТОРТИ

## Зарур маҳсулотлар:

300 г ун, 300 г сарйёғ, 2 дона тухум сариги, бир чимдим туз, 1 чойқошиқ хаамири ва 3 ошқошиқ наҳичкаси учун шакар, 600 мл қаймоқ, 8 г желатин, 500 г данаги олинган олхўри, 1 ошқошиқ крахмал, 250 г қандупа.

## Тайёрланиши:

Қатлама хаамирни тайёрлаб, совутгичга солиб қўйинг. Хаамирни уч қисмга ажратиб, ёйинг. Сўнг нам газ патнисига қўйиб, 15 дақиқадан 220 даража иссиқликдаги газ печиди пишириб олин.

Қаймоқни миксер ёрдамида 1 ошқошиқ шакар билан яхшилаб аралаштиринг. Желатинни совиган, қайнаган сувда ивтитинг. Кўпчигач, бироз сув солиб, жуда паст оловда эритинг.

Сўнг совитиб, қаймоққа қўшинг. Кремни 1 соатта совутгичга қўйинг.

Олхўриланинг 12 донанини беағи учун олиб қўйинг. Қолганини эса паст оловга қўйинг. Крахмални 2 ошқошиқ сув билан аралаштиригач, олхўрига қўшинг. Қайнагач, совитинг. Қоржлар устига аввал олхўри аралашмани, сўнг қаймоқли кремдан суриб, бир-бирининг устига қўйинг.

2 ошқошиқ олхўри шарбатини қандупа билан яхшилаб аралаштиринг. Ушбу глазури торт устидан қўйиб чиқинг. Қаймоқли кремдан устига гуллар сиқиб чиқаргач, тортини олхўри бўлаклари билан безанг.



## ХАНДАЛАР

Богда чиройли кийинган эр-хотин сайр қилиб юришарди. Уларнинг кўзи бир шиша вино қучоқлаб ўтирган эркакка тушди.

Хотин:

— Вой, бу менинг собиқ эрим-ку! Беш йил олдин ташлаб кетгандим. Ҳалиям ичаётган экан-а!

— Бўли-

ши мумкин эмас. Ажрашишни ҳеч ким бунчалик узоқ вақт байрам қилмайди.



— Хўш, хотининг билан ажрашдинг. Энди аҳволинг қалай? Роса қайгураётган бўлсанг керак?

— Э, мен яхшиман. Айниқса, биринчи ҳафтада хурсандлигимдан сал бўлмаса жиннихонага тушиб қолаётдим.

Фермер ветеринардан маслаҳат сўради:

— Менинг отим бор, баъзан яхши юриди, баъзан оқсайди. Нима маслаҳат бера-сиз?

— Отинг яхши юриши билан ўша заҳоти сотиб юбор.

Тилшунос олим қайиқда дарёнинг нариги соҳилига ўтаётди қайиқчидан сўрабди:

— Синтаксисни биласанми?  
— Йўқ..  
— Билмасанг, ярим умринг зое кетибди. Дарёнинг ўртасига етганлариди қаттиқ шамол туриб, тўлқин кучайибди. Шунда қайиқчи:  
— Сузишни биласанми? — деб сўрабди.  
— Йўқ.  
— Унда бутун умринг зое кетибди.

— Аҳволингиз яхшими? — сўради ҳарбий врач таътил пайтида мазаси қочган аскардан.

— Қаранг, томирларингиз худди соатдек бир текисда уряпти.

— Дўхтир, ахир сиз кўлимдаги соат устидан томир уришимни текширяпсиз.

## 37 ЙИЛДАН БЕРИ УХЛАМАЙДИ

Таиландлик 67 ёшли Хаи Нгок ғалати касалликка чалинган. У 1970 йилдан — безгакнинг оғир кўринишини бошидан кечирганидан буён ухламайди.

— Бу соғлигимга салбий таъсир қиладими-йўқми, билмайман, — дейди қария. — Бироқ эл қатори бинойидек яшаб, ишлаб юрибман. Ҳозир эмон ҳис қилганим ҳам йўқ.

Шифокорлар ҳам, мутахассислар ҳам синчиқлаб текшириб кўриб, Нгокнинг организмда ҳеч қандай салбий ўзгариш топа олмадилар.

## КРЕДИТ СЎРАГАН "МУРДА"

1961 йилда туғилган хиндистонлик фермер Лаъл Бхари 1976 йилдан 1994 йилгача «улик» ҳисобланган. Бунинг ўзи ҳам тасодифан билиб қолди.

Лаъл банкдан кредит олмақчи бўлди. Аммо, «сиз расман ўлган экансиз» деб, илтимосни рад қилишди.

Кейин аниқлашча, туғишган тоғаси унинг ерларини ўзиникига қўшиб олиш учун маҳаллий амалдорга пора бериб, Лаълни «улик»га чиқарган экан. Сохта ҳужжатлар расмийлаштирилиб, маълумотнома ҳам олинган.

Бхари ўзининг тирикчилигини исботлаш учун хиндистонлик қоғозбозлар билан нақ 18 йил кураш олиб борди. Кейинроқ бундай вазиятга тушган битта ўзи эмаслигини билиб қолгач, «Уликлар уюшмаси»га асос солди. Бугун мазкур ташкилотнинг 20 минг аъзоси бор.

## 140 ЁШГА КИРМОҚЧИ!

Япониялик 79 ёшли Йоширо Накамацунинг ғалати одати бор.

37 йилки, у ўзи ейдиган ҳар қандай таомни суратга олади. Егулик таркибини, қуввати ва калориясини ёзиб ҳам чиқади. Овқатланишда ўзи тузадиган жадалда улар ҳисобга олинади. Қария ана шундай йўл тутиб, камида 140 ёшга кирмоқчи.

## ТУШЛИККА — 1 КИЛО ТЕМИР

Франциялик 57 ёшли Мишел Лотито кейинги пайтларда анча машҳур бўлиб кетди.

Бунинг сабаби, Лотито, ҳатто, темир-терсақни ҳам еб, ҳазм қила олади. Баъзан организм учун зарарли ҳисобланган металлларни ҳам истеъмол қилаверади. Мутахассислар бунинг сирини тушуна олмаётдилар.

— Афтидан, Лотитонинг ошқозон двори оқдиди одамларникига қараганда икки баравар қалинроқ. Шунингдек, фавқуллода кучли кислота ажратиб чиқариши сабабли металллар ҳам ҳазм қилиб юбораверади, — дея тахмин қилишмоқда баъзи экспертлар.

## АЛОҚАЧИ ЛУФАТИ

● **Ахборот тармоғи** (ru — сеть корпоративная информационная, en — information network) — Маълумотларни узатиш воситалари ёрдамида ягона тармоққа бирлаштирилиб автоматлаштирилган ахборот тизимлари (ААТ)нинг мажмуи. Фойдаланувчи тармоққа кирувчи ААТнинг исталган ахборотидан фойдалана олиш имкониятига эга.

● **Корпоратив ҳисоблаш тармоғи** (ru — сеть корпоративная вычислительная, en — corporate computer network) — Бир давлатда бўлган каби, бошқа бир неча давлатлар миқёсидаги корпорацияларнинг айрим корхоналари (фирмалар, ташкилотлар, акциядорлик жамиятлари ва ш.к.лар)нинг маҳаллий тармоқларини бирлаштирувчи ахборот-ҳисоблаш тармоғи.

● **Маҳаллий ҳисоблаш тармоғи, МХТ** (ru — сеть локальная вычислительная, ЛВС, en — local area network, LAN) — Ҳисоблаш техникасининг бир қатор қурилмаларини бир номи ёки бир корхона билан чегараланган битта маҳаллий зонада боғловчи ахборот-ҳисоблаш тармоғи.

Изоҳ — МХТ бошқа МХТ билан ёки телекоммуникациялар тармоқлари (абонент терминали ҳуқуқларида) билан улаш учун шлюзга эга бўлиши мумкин.

● **Ethernet тармоғи** (ru — сеть Ethernet, en — Ethernet) — Ethernet архитектурасига эга бўлган кенг эшиттиришли компьютер тармоғи.

● **Ахборот тизими** (ru — система информационная, en — information system) — 1. Маълумотларни тайёрлаш, жўнатиш, олиш, сақлаш ёки бошқа хил ишлов бериш тизими.

2. Ҳужжатлар (ҳужжатлар массиви) ва ахборот технологияларининг, шу жумладан, ахборот жараёнларини амалга оширувчи ҳисоблаш техникаси ва алоқа воситаларидан фойдаланиб, ташкилий равишда тартибга солинган мажмуи.

3. Ахборотни тўплаш, сақлаш ёки ишлов бериш билан боғлиқ бўлган исталган тизим.

● **Автоматлаштирилган ахборот тизими, ААТ** (ru — система информационная автоматизированная, АИС, en — automatized information system) — Ахборотни тўплаш, сақлаш, қидириш ва фойдаланувчиларга уларнинг суровларга бўйича бериш учун мўлжалланган дастурий ва техник воситалар ҳамда ахборот массивларининг тўплами.



## SPORT

### BOKS

## ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ СТАРТ ОЛДИ

23 октябр куни АКШнинг Чикаго шаҳрида бокс бўйича навбатдаги жаҳон чемпионати старт берилди. Унда 120дан ортиқ мамлакатдан 700га яқин "чарм кўлқоп" усталари голиблик учун кураш олиб бормоқда.

Ўзбекистон терма жамоаси ҳам тўлиқ таркиб билан жаҳон биринчилиги баҳсларида қатнашяпти. Куйидаги 11 нафар боксчимиз терма жамоа шарафини ҳимоя қилмоқда: Олимжон Назаров (48 кг), Тулашбой Дониёров (51 кг), Орзубек Шоимов (54 кг), Баҳодиржон Султонов (57 кг), Бекзод Хидиров (60 кг), Дилшод Маҳмудов (64 кг), Бекзодбек Юнусов (69 кг), Элшод Расулов (75 кг), Аббос Атоев (81 кг), Жасур Матжонов (91 кг) ва Рустам Саидов (+91 кг).

Жаҳон чемпионатида Куба терма жамоасининг иштирок этмаётганлиги бошқа давлатлар вакилларига чемпионлик учун яхши имконият тақдим этиши аниқ. Жумладан, терма жамоамиз аъзоларига ҳам. Лекин Россия, АКШ, Украина, Озарбайжон ва Қозоғистон терма жамоалари вакиллари ҳам боксчиларимизнинг жиддий рақиблари ҳисобланишади.

Бир қатор боксчиларимиз ўзларининг биринчи жанглариини ўтказишди. Баҳодиржон Султонов аргентиналик рақибини 31:13, Элшод Расулов чехиялик боксчини 22:3, Орзубек Шоимов иорданиялик рақибини 30:21 ҳисобида мағлубиятга учратган бўлса, Дилшод Маҳмудов франциялик боксчиға 28:27 ҳисобида имкониятни бой бериб қўйди.



## МАКСИМ ШАЦКИХ КУЧЛИЛАР ОРАСИДА

### FUTBOL


Ҳар йили жаҳоннинг энг яхши футболчиси номини терма жамоалар мураббийлари ва сардорлари аниқлаб беради.

Икки йилдирки, футбол мухлислари Халқаро футбол тарихи ва статистикаси федерацияси расмий сайти орқали энг машҳур футболчи номини ўзлари танлаш имкониятига эга бўлмоқдалар. Халқаро футбол тарихи ва статистикаси федерациясининг бу йилги рўйхатидан жаҳоннинг энг кучли 55 нафар футболчиси урин олган. Қувонарлиси, улар орасида терма жамоамиз сардори Максим Шацких ҳам бор.



## ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИГА ЙЎЛЛАНМА

Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси Осиё чемпионати саралаш босқичининг иккинчи ва учинчи турларида ғалабага эришди.



Роберт Гай шоғирдлари «D» гуруҳидаги асосий рақиблардан ҳисобланган туркменистонлик футболчиларни 4:1 ҳисобида, Тожикистон терма жамоасини эса 2:1 ҳисобида мағлубиятга учратишди. Ушбу икки муҳим ғалаба вакилларимизнинг Осиё чемпионатиға чиқиш масаласини деярли ҳал қилди. Сабаби, терма жамоамиз навбатдаги учрашуларни гуруҳнинг аутсайдерлари – Бангладеш ва Фаластин терма жамоаларига қарши ўтказди.

## ЎЗБЕКИСТОН 63-ЎРИНДА

ФИФА октябр ойи учун терма жамоаларнинг янги рейтингини эълон қилди.



Унга кўра, Ўзбекистон терма жамоаси 490 очко билан 63-ўринни банд этган. Умумий рўйхатда Аргентина терма жамоаси пешқадамликни ўз қўлига олган. Утган ойда биринчи ўринда турган Италия термаси эса 3-ўринга тушишга мажбур бўлди.

## ИНИЛЕЕВ ТАРКИБНИ ЭЪЛОН ҚИЛДИ

Терма жамоамиз бош мураббийи Рауф Инилеев 28 октябр куни Хитой Тайпейи билан бўладиган ўйинда қатнашадиган футболчилар рўйхатини эълон қилди.

Дарвозабонлар: Игнатий Нестеров, Темура Жўраев (иккаласи ҳам «Пахтакор»); ҳимоячилар: Ислам Иномов («Пахтакор»), Анвар Гофуров («Машъал»), Хайрулла Каримов («Машъал»), Илҳом Сунонов («Пахтакор»), Бахтиёр Ашурматов («Қурувчи»), Камолиддин Тоҳиев («Пахтакор»); ярим ҳимоячилар: Темура Копадзе («Пахтакор»), Одил Аҳмедов («Пахтакор»), Сервер Жепаров («Пахтакор»), Виктор Карпенко («Қурувчи»), Азиз Хайдаров («Қурувчи»), Ҳамза Каримов («Машъал»); ҳужумчилар: Павел Солонин («Сатурн», Россия), Виктор Клишин («Машъал»), Шавкат Саломов («Қурувчи»), Анвар Солиев («Пахтакор»).

## FUTZAL ФИФА ГРАН-ПРИСИ

Футзал бўйича Ўзбекистон терма жамоаси Бразилиянинг Сан-Паулу шаҳрида ўтаётган ФИФА Гран-присида иштирок этмоқда.



Турнирда ўзбекистонлик футзалчилар «В» гуруҳида Эрон, Уругвай ва Словения терма жамоалари билан куч синашмоқда. Шавкат Абдураимов шоғирдлари дастлабки учрашувда Эрон термасига 0:2 ҳисобида мағлубиятга учради.

### Ўтганларнинг охириати обод бўлсин

«Фарғона Телеком» филиали ва вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмаси кўмитаси жамоалари Қўқон шаҳар телекоммуникациялар боғламаси муҳандиси, кекса алоқачи **Алижон АБДУҒАНИЕВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

# Xabar

### МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА  
АХБОРОТЛАШТИРИШ  
АГЕНТЛИГИ

Бош муҳаррир:  
Абдусайд КҮЧИМОВ

### ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ

(Бош муҳаррир ўринбосари)

Бахтиёр КУБЕЕВ

Шомансур ОБИДХҲҲАЕВ

Миродил САНГИЛОВ

Шухрат СОДИҚОНОВ

Лутфилло ТУРСУНОВ

(масъул котиб)

Асаджон ХҲҲАЕВ

Рустам ҚОСИМОВ

Содиқжон ҚОСИМОВ

Газета  
Ўзбекистон матбуот ва ахборот  
агентлигида 0016 рақами билан  
рўйхатга олинган.

### МАНЗИЛИМИЗ:

100060, Тошкент-60,  
Т. Шевченко кўчаси, 17-уй.  
Тел.: 133-36-48; 136-35-29.  
Факс: 136-36-42.  
E-mail: orif@infonet.uz

Тахририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди.  
Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқланиши мумкин.

Нашримиздан кўчириб босилганда «Xabar» дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Тижорий материал — **❶**  
Реклама матиаларининг тўғрилик-лиги тахририят жавобгар эмас.

Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақола муаллифи масъулдир.

Газетани таърирлаш Интернет ма-териалларидан ҳам фойдаланилади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди.  
Манзил: Тошкент шаҳри,  
«Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

953-Г сонли буюртма.  
Офсет усулида босилди.  
Қоғоз бичими А-3, ҳажми  
4 босма табақ.  
Алади: 7077 нусха.

Газета тахририят компютер базасида теририди ва саҳифаланди.  
Дизайнер: Аслиддин БҲРИЕВ.  
Матн теруви: Дифуза МАТҚУРБОНОВА.

Ахборот ҳамкоримиз:  
UZINFOCOM маркази.

Босишга топширилди — 20.00.  
Босишга топширилиш вақти — 20.00.

